Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

48 йил чиқиши
№ 109 (13.371).
18 МАЙ 1966 йил
ЧОРШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

ЛЕНИН КОМСОМОЛИНИНГ XV СЪЕЗДИ ОЧИЛДИ

МОСКВА, 17 май. (ТАСС). Бугун Кремлнинг Съездлар саройида Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзининг XV съезди очилди. 23 миллионли комсомол ўз съездига мамлакатимизнинг ҳамма томонидан қарийб 4 минг делегат юборди. Съездга жаҳоннинг 72 мамлакатидан ёшлар ташкилотларининг вакиллари келдилар.

Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, А. П. Кириленко, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, В. В. Гришин, П. Н. Демичев, Д. Ф. Устинов, И. В. Капитонов, Ф. Д. Кулаков, Б. Н. Пономарев ўртоқлар президиумга чиққанларида, делегатлар ва меҳмонлар уларни давомли гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар.

Залда Совет Иттифоқи шарафига, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, унинг ленинчи Марказий Комитети шарафига табрик шиорлари янграйди.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг топшириғига мувофиқ, съездни комсомол Марказий Комитетининг биринчи секретари С. П. Павлов очди. Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси Алексей Леонов ВЛКСМ Қизил байроғини залга олиб кирганида делегатлар ва меҳмонлар ўринларидан турадилар, гулдурос қарсаклар бошланади.

С. П. Павлов съезд иштирокчилари номидан ВЛКСМ XV съездига келган қардош ёшлар союзлари ва дўстона ёшлар ташкилотлари вакилларини, шунингдек Жаҳон Демократик Ёшлар Федерацияси ва Халқаро Студентлар союзи вакилларини қизғин табриклайди.

Делегатлар Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросини баланд руҳ билан ВЛКСМ XV съезднинг фахрий президиумига сайлайдилар.

Шундан кейин съезд президиуми, секретариат, редакцион ва мандат комиссиялари сайланади. Съезднинг кун тартиби тасдиқланади.

Делегатлар ва меҳмонлар КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. БРЕЖНЕВНИ давомли қарсаклар билан кутиб олдилар. Л. И. Брежнев Советлар мамлакатининг ёш авлодига қарата самимий, илҳомбахш нутқ сўзлади.

Л. И. Брежнев комсомолнинг XV съездига КПСС Марказий Комитетининг табрикономасини ўқиб берди. Залда яна овация бошланади, ҳамма ўрнидан туради. Зал «Ленин биз билан!», «Ленин биз билан!», деган сўзларни баланд овоз билан такрорлайди.

Съезд кун тартибидаги биринчи масалани муҳокама қила бошлайди. ВЛКСМ Марказий Комитетининг ҳисоботи ҳамда КПСС XXIII съезди қарорлари муносабати билан комсомолнинг вазифалари тўғрисида доклад қилиш учун ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари С. П. ПАВЛОВГА сўз берилади.

Л. И. БРЕЖНЕВ ВЛАДИВОСТОККА ЖУНАБ КЕТДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси ўртоқ Л. И. Брежнев халқ хўжалигини ривожлантиришда эришган муваффақиятлари учун мукофотланган Приморье ўлкасига Ленин ордени топшириш учун 17 майда Москвадан самолётда Владивостокка жўнаб кетди.

Внуково аэродромида Л. И. Брежневни Г. И. Воронов, А. П. Кириленко, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, В. В. Гришин, П. Н. Демичев, Д. Ф. Устинов, И. В. Капитонов, Ф. Д. Кулаков, Б. Н. Пономарев ўртоқлар кузатиб қолдилар. (ТАСС).

ШРИ САВАНГ ВАТТХАНА Н. В. ПОДГОРНИЙ ҲУЗУРИДА БЎЛДИ

Лаос қироли жаноб ҳазрат олийлари Шри Саванг Ваттхана 16 майда Кремлда СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний ҳузурида бўлди.

Н. В. Подгорний билан Лаос қироли Шри Саванг Ваттхана ўртасида ҳар икки томонни қизиқтирувчи масалалар юзасидан суҳбат бўлди. Бу суҳбат самимий дўстона вазиятда ўтди. (ТАСС).

БУТУНИТТИФОҚ ЛЕНИНЧИ КОММУНИСТИК ЁШЛАР СОЮЗИНИНГ XV СЪЕЗДИГА

Қимматли ўртоқлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи XV съезднинг делегатларини, барча комсомолларни, Советлар мамлакатининг барча йигит ва қизларини қизғин табриклайди ва сизнинг ишингизда муваффақиятлар тилайди.

Комсомолнинг XV съезди ёшлик кучларининг жанговар кўригидир. Совет ёшлари ва унинг ҳурматга сазовор бўлган — авангарди — Ленин комсомоли партия ва халқнинг умидини шараф билан оқламоқдалар. Биз миллионларча янги курашчиларни ўлмас Ленин васиятлари руҳида тарбиялаётган комсомолнинг ишлари билан фахрланамиз. Ленининг номи ҳақли суратда комсомол байроғига ёзиб қўйилган. Комсомол етакчилигидаги ёшлар оғир ҳарбий синов йилларида ва совет халқи зўр ғайрат билан яратувчилик ишларини бажарган йилларда Ленин йўлидан партияга эргашиб бордилар, коммунизм ғояларига ҳамиша фидокорона чексиз содиқ бўлдилар.

Совет йигит ва қизларининг янги ҳаёт қурилишидаги ғоявий сабот-матонати, оптимизми ва битмас-туганмас ғайрати биз, коммунистларни қувонтирмоқда. Биз буни оталаримиз ва оғаларимиз ғолибона бошлаб берган ишни улуғ революциянинг янги авлодлари давом эттириб, тугаллашлари учун мустаҳкам ғаров деб биламиз.

КПСС XXIII съезди комсомолни ишчи, қишлоқ ёшлари, ўқувчилар, барча совет ёшларини ленинизм руҳида тарбиялашда, коммунизм қурадиган, коммунизмда яшайдиган ҳамда унинг ижтимоий ишларини бошқарадиган, ғоявий чиниққан, меҳнатсевар, ҳар томонлама камол топган кишиларни тайёрлашда янада зўр ғайрат ва сабот билан партияга ёрдам беришга чақирди. Комсомолнинг бутун фаолияти ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашдан иборат асосий вазифани ҳал этишга қаратилган.

Ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш — йигит ва қизларда марксча-ленинча дунёқарашни, юксак ғоявий эътиқодни, турмуш ҳодисаларига синфий ёндошишни шакллантириш. Коммунистик партия ишига садоқат руҳида тарбиялаш, жаҳонни революцион тарзда ўзгартириш учун саботли ва фидокор курашчиларни тарбиялаб ўстириш демакдир.

Ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш — уларда совет ватанпарварлиги, Совет Иттифоқи халқларининг бузилмас қардошларча дўстлиги туйғуларини, социалистик Ватанимизга муҳаббат ва бу Ватанни душманларнинг ҳар қандай ҳамласидан қўлга қурол олиб ҳимоя қилишга доим тайёр туриш туйғуларини ўстириш демакдир.

Ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш —йигит ва қизларда барча мамлакатларнинг меҳнаткашлари билан қардошларча дўстлик ва бирдамлик туйғуларини, зоҳмларга, буржуа идеологияси ва ахлоқига нисбатан синфий муросасизлик туйғуларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш демакдир.

Ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш — йигит ва қизларда меҳнатга онгли, софдил муносабатда бўлишни шакллантириш, уларни ўз касби билан фахрланиш руҳида тарбиялаш, маҳоратни ошириш йўлидаги интилишни доим кучайтириш, ўз коллективининг иши учун жавобгарлик туйғуларини сингдириш демакдир. Тарбия ишини шундай олиб бормоқ керакки, бизнинг ёшларимиз шахсий ҳаётнинг халқ ҳаёти билан чамбарчас боғланганлигини, шахсий манфаатлар билан ижтимоий манфаатларнинг бирлигини аниқ-равшан тушуниб олсинлар.

КПСС XXIII съезди коммунистик қурилиш янги босқичининг вазифаларини белгилаб берди. Янги беш йиллик топшириқларини ёшларнинг чуқур англаб олишларига, уларнинг энг оғир ишларни бажаришга ғайрат-шижоат билан киришажакларига партия аминдир.

Заводлар, фабрикалар, қурилишларнинг комсомоллари ҳозирги кунда коммунистлар билан биргаликда социалистик мусобақанинг ташаббускорлари, меҳнатга коммунистик муносабат ҳаракатининг ташаббускорлари бўлиб майдонга чиқмоқдалар. Ёш совет ишчисининг энг яхши хислатлари техника тараққиёти учун хўжаликни тезжамли юритиш, меҳнат унумдорлигини ошириш учун, маҳсулотнинг юксак сифати учун курашда намоён бўлмоқда. Комсомол ишлаб чиқаришни юксалтириш соҳасидаги ҳар бир кадамни ишчи ёшларнинг маданий, профессионал, маънавий ўсиши билан бирга қўшиб олиб бориш тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилмоғи керак.

Партия ишчилар синфининг ёш ғвардияси коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш учун курашда бундан буён ҳам мустаҳкам таянч бўлиб қолажагига ишонади.

Қишлоқ ёшлари олдида катта вазифалар турибди. Ҳеч шубҳа йўқки, комсомол ташкилотлари қишлоқ ёшларини дон, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш учун актив курашга отлантирадилар.

Колхоз ва совхозларнинг комсомоллари, қишлоқдаги ҳаётни янада кўпроқ маданий, руҳан бой ва мазмунли қилиш учун ҳамма чораларни кўрингиз. Қишлоқда клуб, стадион, парк, истироҳат ўчоқларини барпо этишда ташаббусни бутун чоралар билан ривожлантирингиз.

Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти сафларида ажойиб ёшлар хизмат қилмоқдалар. Ёш жангчилар Ватан олдидаги муқаддас гражданлик бурчларини фидокорона бажармоқдалар, Ватан чегараларини қўриқлаб турибдилар. КПСС Марказий Комитети қатъий ишонч билдириб айтадики, ўз қасамига содиқ бўлган армия комсомоллари, барча ёш жангчилар жанговар ва сиёсий тайёргарликни тинмай оширадилар, агрессорга ҳар доим қақшатқич зарба бермоқ учун қурол-яроғларни қунт билан эгаллай берадилар.

Ҳозирги вақтда мактаб ўқувчилари Ленинчи ёшлар союзининг роса ярмини ташкил этади. Комсомол билимларни эгаллашга қатъий интилиш, меҳнатсеварлик, революцион ғояларга садоқат, мақсадга эришишда сабот-матонатли бўлиш, олижаноблик ва софдиллик каби энг яхши хислатларни ўқувчиларга сингдириш учун кўп иш қила олади.

В. И. Ленин номидаги пионерлар ташкилотига раҳбарлик қилишда комсомолнинг роли фахрли ва масъулиятлидир. Бу — партиянинг комсомолга берган асосий топшириқларидан биридир. Болалар билан ишлаш форма ва методларини доим такомиллаштириб боришни талаб этади. Пионерлар ишидаги бир хилликка барҳам беринг, болаларни жонли, мароқли ишлар билан қизиқтирингиз, болаларнинг ҳаваскорлиги ва фаолиятини ривожлантирингиз.

Эртаги кунда ишлаб чиқариш командирлари, маориф, соғлиқни сақлаш, фан ва маданият ходимлари бўлиб ишлайдиган совет студентларининг кўп миллионли отрядидан умид катта. КПСС Марказий Комитети ишонч билдириб айтадики, комсомол олий ўқув юртларининг ғоявий ҳаётида ўз ролини кучайтиради, студентларнинг махсус билимларни эгаллаш билан бир қаторда, ижтимоий тараққиёт қонунларини қунт билан билиб олишлари, кенг сиёсий тафаккурни эгаллашлари учун йўл очиб берадиган тарзда иш олиб боради. Ўз ихтисосини ва марксча-ленинча назарияни чуқур билиш, коммунистик эътиқод—совет жамиятининг ҳар қандай касбдаги мутахассислар олдига доим қўйётган талабларидир.

Совет, фани ва маданияти ёш арбобларининг ижодий ўсаётганлиги, жамиятимизнинг ҳаётида актив қатнашаётганликлари партияни кувонтиради. Ёшлар ана шу отрядининг кучлари яратувчилик мақсадларига, йигит ва қизларни дадиллик ҳамда оптимизм руҳида, улуғ ғояларимизнинг тантанасига ишонч руҳида тарбиялашга, олга қараб қилаётган ҳаракатимизга халқнинг ҳаммаси билан курашга янада кўпроқ сафарбар қилиниши мумкин ва лозим.

Комсомоллар ҳамма жойда — саноатда, қишлоқ хўжалигида, фан ва маданиятда, коммунистик қурилишнинг ҳамма соҳаларида, шонли Қуролли Кучлар сафларида ҳар қачонгидек бундан буён ҳам фидокорлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатишларига партия аминдир.

ВЛКСМ XV съезди давом этаётган кунларда бутун мамлакатимиз, бутун совет халқи Совет ҳокимиятининг олий органи — СССР Олий Совети сайловига тайёргарлик кўрмоқда. Партия ҳар қачонгидек бу сафар ҳам сайловларда касаба союз, комсомол ташкилотлари ва меҳнаткашларнинг бошқа ташкилотлари билан ягона, ажралмас блок бўлиб қатнашади. Сайлов куни комсомолларнинг, барча совет ёшларимизнинг — ёш сайловчиларнинг Коммунистик партия сиёсати учун, коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун овоз беришларига партия қатъий ишонади.

Қадрли комсомол ўртоқлар! КПССнинг XXIII съездида ёшларимиз тўғрисида, комсомол тўғрисида кўпгина яхши гаплар айтилди. Шу билан бирга, комсомолнинг фаолиятидаги камчиликлар ҳам танқид қилинди. Ёшлар орасида бировга боқим бўлиш кайфиятларига берилиб кетган, интизомсиз кишилар, жамоатчилик олдидаги бурчни сезиш туйғуси суст бўлган кишилар ҳали учраб туради. Жамоатчиликка зид бўлган бундай ҳолатларнинг кам учраётганлиги сизларни хотиржам қилиб қўймасин. Аммо, бундай ҳолатлар ҳали бор экан, комсомол ташкилотлари бизнинг тузумимизга жуда ёт бўлган ана шу ҳолатларга қарши қатъий кураш олиб боришлари лозим.

Ёшлар билан ишлаш —, расмиятчилик, шаблон ва турғунликка сира чидаб турмайдиган ғоят масъулиятли, ғоят жонли ишдир. Аммо, баъзи комсомол ташкилотларида расмиятчилик, дад-дабадабозлик ва шовқин-суронлар ҳали оз эмас, оқилона дам олишга, физкультура ва спортга етарли даражада эътибор берилмаётир.

Комсомол ташкилотлари ҳар бир комсомолга нисбатан талабчанликни оширишлари, Ленин комсомоли аъзолари деган номни янада юксак даражага кўтаришлари керак. Комсомоллар нечоғлик интизомли ва уюшган бўлсалар, улар нечоғлик фидоқорона меҳнат қилсалар ва муваффақиятли ўқисалар, комсомолларнинг обрўси шу қадар юқори бўлади, ВЛКСМнинг авангардлик роли, унинг ёшларга таъсири шу қадар юксак даражага кўтарилади.

Қадрли ўртоқлар!

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги ва Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги яқинлашиб қолди. Партия, комсомол, бутун совет халқи ана шу саналарни коммунизм тантанаси йўлида ижодий меҳнат зафарлари билан нишонлашга тайёрланмоқдалар.

Комсомолнинг ёш авлодни Октябрь ишининг, улуғ Ленин ишининг, коммунизм учун курашувчиларнинг ишини муносиб равишда давом эттирувчи кишилар қилиб тарбиялашдан ҳам муҳимроқ, фахрлироқ вазифаси йўқ.

Яшасин Коммунистик партиянинг содиқ ёрдамчиси ва резерви — Ленин комсомоли!

Яшасин қаҳрамон совет ёшлари!

Яшасин қудратли социалистик Ватанимиз!

Яшасин коммунизм!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

1966 йил 17 майда ВЛКСМ XV съездида
ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Қадрли делегат ўртоқлар!

Сизлар ўзингизнинг энг олий комсомол йиғинингизга тўпландингиз. Бу—мамлакатимизнинг барча йигит ва қизлари ҳаётида катта воқеадир. Фақат ёш авлоднинг эмас, балки ота ва оналарингиз, ака ва опаларингиз, бутун халқимизнинг эътибори ҳам мана шу йиғинга қаратилган.

Съезд Союзнинг партия ва бутун совет халқи коммунизм қуриш программасини амалга оширишга киришган йиллар мобайнидаги ишларига якун ясаши лозим. Сизлар комсомол фаолиятининг энг муҳим масалаларини муҳокама қиласиз, янги ажойиб ғоялар ва планларни олиб кетасиз, келажакдаги вазифаларни белгилаб оласиз.

Сизларни съезднинг очилиши билан табриклашимга ҳамда сизларга, сизлар орқали эса ленинчи комсомолнинг бутун 23 миллионли отрядига партиямиз Марказий Комитетидан, Советлар мамлакатининг барча коммунистлари номидан қизғин қутлов топширишимга рухсат этгайсиз.

Ўртоқлар! КПСС XXIII съезди ўз ишини тамомлаган кундан бери бир ойдан сал кўпроқ вақт ўтди.

XXIII съезд ички ва ташқи сиёсатимизнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқди, партия ва совет халкининг яқин даврга мўлжалланган ҳаракатлари программасини белгилаб берди. Партия ленинча йўлдан комил ишонч билан олға бораётганлигини ва бораверажагини съезд яна бир карра яққол кўрсатди. Бутун халқимиз — ишчилар, колхозчилар, меҳнаткаш интеллигенция съезд қарорларини, беш йиллик топшириқларини ўзимизнинг жонажон ишимиз деб, завқ-шавқ билан кутиб олдилар.

Партиянинг тараддудлари ва планлари ёшларимизга азиз ва мўътабардир. Ёшлар партия съезди қарорларини амалга оширишга астойдил манфаатдорлик билан киришмоқдалар. Ўз-ўзидан маълумки, бундан ўзгача бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Комсомолнинг партия мақсадларидан, революциямиз мақсадларидан бошқа мақсадлари йўқ.

Коммунистик Ёшлар союзининг кучи, оммавийлиги ва обрўси ҳам шунга асосланадики, у ҳамма, мамлакатимиз тараққиётининг ҳамма босқичларида энг муҳим тарихий вазифаларни ҳал қилишда партиянинг содиқ таянчи бўлиб келди.

Ҳар қачонгидек ҳозирги кунда ҳам комсомол улуғ Коммунистик қурилишнинг энг олдинги сафларида бормоқда. Партиянинг чақириғига биноан у янги ерларни ўзлаштирмоқда, Сибирь хазиналарининг кўзини очмоқда. Узоқ Шарқ, чекка Шимол ерларининг қиёфасини ўзгартирмоқда. Совет ёшлари актив равишда ижодий меҳнат қилишга интиладилар, меҳнатни севадилар ва меҳнат қилишнинг уддасидан чиқадилар. Ҳозирги ёш авлод ўзининг ленинизмга содиқлигини айни амалий ишлар билан ва даставвал амалий ишлар билан исботламоқда.

Ўн йилдан сал муқаддамроқ дастлабки кўнгилли бинокорлар Ангара бўйларига бордилар. Уша комсомолларнинг сони 12 киши эди. Бир замонлар мудраган тайгада, ана шу жойларда ҳозир жаҳонда энг салобатли Братск гидроэлектростанцияси қад кўтарди, янги Братск шаҳри бунёдга келди. Бу шаҳар 60-йиллардаги совет ёшлари революцион камолати ва мардлигининг символи бўлиб қолди.

Мамлакатимизнинг тақдири неча марталаб Волга бўйларидаги шиддатли жангларда ҳал бўлган. Советлар ҳокимияти учун қон тўккан кишиларнинг фарзандлари ва набиралари ана шу дарёнинг табаррук соҳилларида Волжский ГЭСини барпо этишга ёрдам бердилар, Волжск шаҳрини ва унинг қудратли химия комбинати билан бир қанча заводларини қурдилар.

Кривой-Рог, Рудний ва Жданов шаҳарларининг комсомол ва ёшлари металлургияни ривожлантиришга, энг йирик руда саралаш корхоналарини қуришга катта ҳисса қўшдилар.

Заполярьенинг энг оғир шароитларида, Бутуниттифоқ комсомол зарбдор қурилиши бўлган Тальнахда Москва ва Ленинград юборган ёшларнинг актив иштироки билан рекорд даражадаги қисқа муддат ичида «Маяк» руда кони фойдаланишга топширилди, темир йўл ва бошка объектлар қурилди.

Мамлакатдаги ана шу ва бошқа кўпгина шаҳар ва қишлоқларнинг комсомол ташкилотлари партия комитетларнинг чинакам ёрдамчилари, ёшларнинг обрўли раҳбарлари эканликларини кўрсатдилар.

Шу нарсани сизларга қувонч билан маълум қиламанки, азиз дўстлар, Братск, Волжский, Кривой-Рог, Норильск, Жданов ва Рудний шаҳарларининг комсомол ташкилотлари коммунистик қурилишда актив қатнашиб келаётганликлари учун СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ, Меҳнат Қизил Байроқ орденлари билан мукофотландилар.

Коммунистик партия Марказий Комитети олий мукофот олган комсомол ташкилотларини чин кўнгилдан табриклайди ва ўзининг ғайратини, талантини коммунизм қурилишига сарфлаётган ёш меҳнаткашларга ташаккур билдиради.

Партия ленинчи комсомолнинг содиқлигига аминдир, у комсомолнинг кучлари ва имкониятларига ишонади. Партия янги беш йиллликнинг энг масъулиятли вазифаларини ёшларга топширмоқда.

Ёшлар коммунистик қурилиш даврида ҳаётнинг ҳаққий мактабидан, меҳнат ва кураш мактабидан ўтмоқдалар. Комсомол бунёдга келгандан бери 90 миллиондан кўпроқ киши шу мактабнинг сабогини олди. Ҳозир ҳар қандай давлат ёки жамоат арбобидан, олим ёки хўжалик ходимидан, меҳнат қаҳрамони ёки уруш ветеранидан сўрасангиз, уларнинг деярли ҳар бири: мен комсомол мактабидан ўтганман, дейди. Комсомол ленинчи партиянинг жонажон фарзандидир. Партия комсомолни она каби ўстирмоқда ва тарбиялямоқда. Айни бир маҳалда у ёш ленинчилар резервидан ўзига янги кучлар олмоқда.

Сизларга маълумки, партия XXIII съезди комсомолнинг фаолиятига катта эътибор берди. Партиянинг ёш ўринбосарлари тарбиялаш ҳақида тинмай қилаётган ғамхўрлиги КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот докладида, делегатларнинг нутқларида, съезд қарорларида ўз ифодасини топди.

XXIII съезд КПСС Уставига ўзгартиш киритди, шу ўзгартишга мувофиқ, 23 ёшгача бўлган ёшлар бундан буён партияга фақат ВЛКСМ орқали қабул қилинадилар. Мана шу муҳим тартибни белгилаш билан партия жамият ҳаётида комсомолнинг сиёсий таъсири доимо ўсиб бораётганлигини, комсомол партиянинг асосий резерви, содиқ ёрдамчиси ва партия идеаллларини ўтказувчи эканлигини яна бир карра таъкидлади. «Биз ҳар вақт илғор синф ёшларининг партияси бўламиз» — деб уқтирган эди Владимир Ильич Ленин ва шу фикрини тушунтириб бундай деган эди: «Биз келажак партиясимиз, келажак эса ёшлар қўлидадир. Биз новаторлар партиясимиз, ёшлар эса доимо иштиёқ билан новаторларга эргашиб борадилар».

Октябрнинг улуғ айёмлари тарихга кириб, қанчалик узоқлашган сайин, коммунистик сафларга турмушнинг оғир синовларидан ўтмаган йигит ва қизлар қанча кўп кира берган сайин, ғоявий тарбия вазифалари шунча масъулиятли бўлиб боради. Ҳар бир йигит ва қизга революциямизнинг умумий мақсадларини тушунтириб қўйишимиз, жаҳоннинг революцион тарзда ўзгартиришда ўзининг конкрет ўрнини белгилаб олишида унга ёрдам беришимиз керак. Ёшларни кекса авлодларнинг шонли революцион традицияларидан баҳраманд қилмасдан туриб, бу вазифани тўла-тўкис бажариб бўлмайди.

Ган ҳозирги кунда Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаги революционерга аниқ тақлид қилиш устида бораётгани йўқ албатта. Революционерларнинг ҳар бир янги авлоди янги тарихий вазифаларни ҳал қилади ҳамда шунинг учун тегишли методларни қураш ва турмушнинг ўз услубини топади. Бошқа ҳеч ким унинг учун бу методларни ва услубни ишлаб бермайди. Ўтмиш қаҳрамонларига кўр-кўрона тақлид қилиш керак эмас, балки ана шу қаҳрамонларнинг революцияда тобланган характерлари моҳиятини танага сингдириб олиш, уларнинг революцион жўшқинлигини, чуқур коммунистик эътиқодини, партиямизнинг улуғ ишига чексиз садоқатини, уларнинг оташин романтизми ва революция душманларига нисбатан сўнмас нафратини танага сингдириб олиш; мана шуларнинг ҳаммасини сингдириб олиб, ҳозирги кунда коммунизм қурилишнинг олдимизда турган рангба-ранг вазифаларини ҳал қилишга татбиқ этиш керак.

Ҳозир ижтимоий ҳаёт майдонига ажойиб, меҳнатсевар, ўқимишли ёш авлод кириб келди. У, коммунистик қурилишнинг барча асосий позицияларида муносиб ўрин эгаллаб турибди. Партия ёшларни дадиллик билан ишга тортмоқда, ҳамма ишларда ёшларга суянмоқда. Лекин мана шуларни гапирганимизда, бизнинг жамиятимиз одамга кўп нарса бериш билан бирга ундан кўп нарса талаб қилишини ҳам унутмаслигимиз керак, ўртоқлар. Ҳозир бизнинг олдимизда ўз қўлами ва мураккаблиги жиҳатидан шундай вазифалар турибдики, ундай вазифаларни тинч қурилиш жараёнида ҳанузгача ҳал қилишимизга тўғри келмаган эди, деса бўлади. Ёш авлод ўз оталаридан бениҳоя мураккаблашиб кетган ишлаб чиқариш, фан-техника ва ижтимоий организмни мерос қилиб олмоқда. Шу организмни оғир қараб силжитиш ва янада ривожлантириш учун чуқур махсус билимлар, танлаб олинган касбда малакаси ва ҳаракатлар ва ҳаракатлар ва ҳаракатлар

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ НУТҚИ

(Боши биринчи бетда)

Партия март Пленумида қишлоқ хўжалигини кўтаришнинг иқтисодий тадбирларини ишлаб чиқди. Омилкорлик ва изчиллик билан амалга оширилса, бу тадбирлар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини кўтаришга ва қишлоқ меҳнаткашларининг турмушини яхшилашга ёрдам беради. Лекин бу гап биз иқтисодий омиллар ўз-ўзидан маҳсулотлар мўл-кўллигини вужудга келтиришини кутиб, қўл қовуштириб ўтиришимиз мумкин, деган маънони англатмайди. Йўқ, ўртоқлар. Биз тўғри иқтисодий сиёсатга таяниб, энди яна бир катта тадбирни амалга оширишимиз; деҳқончилик маданиятини анча кўтаришимиз ҳамда шу асосда экинлардан муттасил мўл ҳосил олишга эришишимиз керак.

Яқинда партия Марказий Комитетининг Пленуми бўлади. Бу Пленум ерларнинг ҳосилдорлигини яхшилаш ва деҳқончилик маданиятини оширш масалаларини мақсус кўриб чиқади. Бутун мамлакатда мелиоратив ишлар плани амалга оширилади. Катта-катта ирригация ва зах қочириш системаларини барпо этиш билан бир қаторда ўтлоқлар ва яйловларни яхшилаш, далаларни бутазорлар ва тошлардан тозалаш, эрозияга қарши қурашиш, тупроқни оҳаклаш ва шўрдан тозалаш, иҳота дарахтзорлари вужудга келтириш, ҳавзалар қуриш, ҳар жойнинг ўзидаги оқар сув билан экинларни суғоришни ривожлантириш ва шу каби катта-катта ишларни ҳам амалга ошириш лозим бўлиб турибди.

Биз аминимизки, ишчи қўллар, ғайрат ва фидокорлик талаб қилинган жойларда комсомол ва ёшлар ҳозир-нозир бўладилар, улар ҳаммадан аввал отилиб чиқиб, олдимизда турган улкан вазифаларни ҳал қилишда халққа, партияга кўмаклашадилар.

Қишлоқ ҳозирги вақтда ёш биллакларга, ёшларнинг ғайратига, сизларга азиз ўртоқлар, ҳар қачонгидан ҳам муҳтождир!

Сўнгги йилларда бир қанча объектив ва субъектив сабабларга кўра, қишлоқларда ёшлар бир мунча камайиб қолди. Бу, албатта, вақтинчалик ҳодиса, бинобарин, аҳволни тезроқ тузатиш ғаминн ейиш керак.

Комсомол ташкилотлари йигит ва қизларнинг қишлоқни ривожлантириш истиқболларини кўра олишига ёрдам берсалар, замон янги авлодга бутун қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини, қишлоқдаги бутун турмуш тарзини тубдан ўзгартиришдаги тарихий вазифани топшираётганлигини англаб олишига ёрдам берсалар, улар колхоз ва совхозларнинг далаларига ва фермаларига бажонидил бориб ишлайдилар.

Қишлоқ маданиятини кўтариш соҳасида айниқса кўп ишлар қилиш лозим, ўртоқлар. Биз колхоз ва совхозларни иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаяпмиз. Уларга энг янги техниканн беряпмиз ва ишлаб чиқаришдаги капитал қурилишга катта-катта маблағ ажратяпмиз. Аммо қишлоқни чинакамига кўтариш учун қишлоқ хўжалик ходимларининг ва даставвал қишлоқ ёшларининг меҳнат, маданий, дам олиш ва турмуш шароитларини яхшилаш тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилиш зарур.

Янги беш йиллик колхоз ва совхозларда маданий-маиший қурилишни ғоят юксалтиришни назарда тутади. Фақат давлат маблағлари ҳисобидан қишлоқларда икки миллиондан кўпроқ болага мўлжалланб, 10 мингга яқин мактаб, 8 минг клуб ва маданият уйи, қўплаб уй-жой қуриш планлаштирилади.

Бироқ, янги мактаблар, клублар, кутубхоналар, спорт иншоотлари қуришнинг ўзи билан иш битмайди. Бу муассасаларнинг қишлоқда олиб бориладиган идеология ишларнинг таянч пунктлари сифатидаги роли ва таъсири уларнинг фаолияти қандай мазмунга эга бўлишига боғлиқ. Шу сабабдан қишлоқдаги маданият ўчоқларига сергайрат ва ўқимишли кишиларнинг бош бўлиб туришлари жуда ҳам муҳим. Биз ишонамизки, ленинчи комсомол, унинг шаҳарлардаги ташкилотлари ўзларининг энг яхши одамларини мана шу масъулиятли соҳага юбора оладилар.

Шаҳарнинг қишлоққа оталиги — ишчилар синфининг революцион традицияларидан биридир. Шу традицияни ардоқлаш ва ривожлантириш, шаҳар билан қишлоқ дўстлигини мустаҳкамлаш лозим. Шаҳардан оталиқдаги колхозга ёки совхозга борган ёшлар у ерда мароқли лекциялар ўқишлари, актуал темаларда суҳбатлар ўтказишлари, колхозга янги китоб ва журналлар олиб боришлари мумкин. Заводларнинг рационализаторлари, ишчилар синфининг илғорлари, «қўли гул» усталар қишлоққа қанчадан-қанча фойда етказа оладилар! Улар, айтайлик, чорвачилик фермаларидаги меҳнатни енгиллаштиришда бемалол ёрдам бера оладилар, кичик механизацияни жорий этишда колхозчиларга кўмаклаша оладилар. Шаҳарлардаги кутубхоналар ва музейлар, театрлар, консерваторияларидан борган ёшлар оталиқдаги қишлоқда маданий ҳаётни тартибли йўлга қўйиш учун кўп иш қилишлари мумкин. Бундай ишни бутун мамлакатда кенг авж олдириш, оммавий ва доимий ишга айлантириш керак. Бу — ғоят олижаноб вазифа бўлиб, комсомол унинг уддасидан бемалол чиқади ва коммунистик қурилишимизнинг энг муҳим вазифаларидан бирини амалда ҳал қилишга ёрдам беради.

Сизларга маълумки, ўртоқлар партия XXIII съездининг янги беш йиллик плани юзасидан қабул қилган қарорлари қишлоқ хўжалигини техника билан қуролланиш жиҳатидан аста-секин саноат даражасига кўтаришни кўзлаб, янгидан катта-катта тадбирларни, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги муҳим тафовутларни тугатиш соҳасида янги чораларни назарда тутади. Бу тарихий вазифаларни ҳал қилишда партиянинг актив кўмакдоши бўлиш комсомолнинг шарафли ишидир.

Қишлоқ интеллигенцияси, мутахассислар ҳақида алоҳида гапирмоқчиман. Қишлоқдаги интеллигентлар — шунчаки ўқитувчилар, агрономлар, экономистлар, инженерлар эмас. Улар умуман, қишлоқдаги маънавий ҳаёт савиясини ҳам кўп жиҳатдан белгилаб бермоқдалар. Биз ишонамизки, олий ўқув юртларидаги ва жойлардаги комсомол ташкилотлари бўлғуси мутахассисларни колхоз қишлоғимиз янги маданиятининг чинакам ташкилотчилари ва ижодкорлари қилиб, тарбиялаш формаларини топа биладилар.

Азиз ўртоқлар!

Сизнинг съездингиз ВЛКСМнинг ҳам мазмунан, ҳам шаклан ғоят рангба-ранг ишидаги асосий йўналишларни белгилайди. Лекин нима билан шуғулланманг ҳар бирингиз шу нарсани яхши эсда сақлашингиз керакки, ёшлар, уларнинг қарашлари ва эътиқодлари, муддаолари ва хатти-ҳаракатлари ҳамиша комсомол ташкилотларининг диққат марказида туради.

Сизларнинг союзингиз Коммунистик союз деб аталади. Бу гапнинг тагида жуда катта маъно бор.

Коммунизмни ўрганиш, коммунизмга хизмат қилиш — ҳамма вақт ва ҳамма ишда замонанинг илғор идеялари савиясида бўлиш демакдир. Бинобарин, комсомолнинг олижаноб вазифаси — союз аъзолари барча ёшларни ижтимоий тараққиёт қонунларини чуқур тушуниш, коммунистик эътиқодлилик, коммунизмнинг ҳаққонийлиги ва енгилмаслигига ишониш билан қуроллантиришда, ҳар бир ёшни улуғ юртимизнинг оташин ватанпарвари қилиб тарбиялашда партияга, кекса авлодларга ёрдам беришдан иборат.

Фашист газандалар бизнинг мамлакатимизга июнь ойида ҳужум қилиб келган кунга яна бир ойдан кейин чорак аср тўлади. Шу давр ичида ҳаётга шундай бир авлод кириб келдики, бу авлод бомбаларнинг портлаши, ёнғинларнинг дуди, уруш йилларининг машаққатлари нима эканлигини билмайди. Бизнинг мамлакатимизда тинчлик шароитида ҳаёт кечирмоқда. Лекин бу ҳол бизни беғам қилиб қўймаслиги керак. Халқаро империализм маккор ва хатарли йиртқич эди ва ҳозир ҳам шундай. АҚШнинг Вьетнамдаги агрессияси буни яна бир бор намойиш қилиб кўрсатди.

Интернационализм руҳида тарбияланган бизнинг ёшларимиз бутун совет халқи қатори Вьетнам халқининг қаҳрамонона кураши билан қизғин бирдамлик туйғуларига тўлиб-тошмоқда ва озодлиқ кушандалари бўлган америкалик интервентларнинг бебошликларини қаҳр-ғазаб билан лаънатламоқда. Бизнинг йигит ва қизларимиз Вьетнамнинг курашида унга заҳар бўлган машиналар, ускуналар ва аъло даражали қурол-яроғлар яратиб, курашаётган вьетнамлик қардошлар билан ўз бирдамликларини конкрет ишларда ифода этмоқдалар. Социалистик интернационализм социализм мамлакатлари халқлари билан қардошларча мустаҳкам дўстлик ва жаҳондаги барча революцион, озодлиқ кучлари билан жанговар бирдамлик туйғулари — партия билан комсомол ёшларимизда вояга етказаётган энг қимматбаҳо фазилатлардан биридир.

Совет Иттифоқи қурол пеш қилаётгани йўқ, лекин биз ҳар қандай агрессорга қақшатқич зарба беришга ҳаммавақт тайёрмиз. Биз шавкатли Қуролли Кучларимизнинг жанговар қудрати билан фахрланамиз. Ўз оталари ва акаларига илҳом бахш этган ғоялар ҳозирги кунда Ватанимиз чегараларида посбон бўлиб турган ёшларни ҳам илҳомлантирмоқда. Советлар Ватанининг ёш ўғиллари халқимизнинг тинч меҳнатини зийраклик билан қўриқламоқдалар. Бинобарин биз аминимизки, башарти оғир дамлар келиб қолса, улар революция иши учун, Ватан учун, коммунизм учун ўз жонларини аямайдилар.

Ўртоқлар!

Бизнинг тузумимиз, жамиятимизнинг бутун ҳаёти вужудга келтириб қўйган шарт-шароитлар одамга баракали таъсир кўрсатмоқда. Ватанимизнинг шиддаткорона тараққиёти, коммунистик онгнёдкорлик зафарлари янги тақлиддаги одамларни яратмоқда. Бироқ, коммунистик онглилик стихияли равишда, ўз-ўзидан шаклланмайди, ўз-ўзидан вужудга келиб қолмайди. Коммунизм йўлидаги кураш партия билан комсомолнинг жамият барча аъзоларини, айниқса ёшларни тарбиялаш соҳасида ҳормай-толмай ва муттасил иш олиб боришларини тақозо қилади. Бу иш буржуа идеологиясига қарши, қатъий кураш билан, бизга ёт бўлган психология ва ахлоқ сарқитларини тугатиш йўлида зўр бериб куч-ғайратлар сарфлаш билан чамбарчас боғлангандир.

Ленинчи комсомол совет ёшларида коммунистик қоявийликни ва онглиликни мустаҳкамлаш, пропаганда ва агитация воситаларини такомиллаштириш билан, асосий куч-ғайратларини янги одамни — ленинчи революционерни меҳнаткаш ва курашчини, ҳар тарафлама ўқимишли ва уйғун равишда камол топган одамни тарбиялашга қаратмоқда ва қаратаверади.

Яхши намуналар ёшларга умумий тарздаги панд-насиҳатларга қараганда анча кучлироқ таъсир қилади. Ҳақиқий совет кишисининг ғўзаллигини ҳамда унинг олижаноб ишлари ва ҳаракатларини ёшлар кўзига ёрқин ва таъсирчан тарзда кўрсатиб бериш учун адабиёт ва санъат, матбуот, радио ва телевидение воситалари орқали ҳамма чораларни кўриш зарур.

Бизнинг жамиятимиз — ўсмирларга ғоят кенг имкониятлар очиб қўйган жамиятдир. Лекин ёшларни ҳаётга енгилтаклик билан қарайдиган қилиб, тарбиялаш яхши эмас. Ҳали турмушнинг аччиқ-чучугини татиб кўрмаган одамга, сенга ҳамма нарса бериб қўйилган, қаёққа узатсанг кўлинг етади, деган гапни ўнг келган жойда такрорлайберилса, у бенхтиёр ўзини иродали, қийинчиликларни енга биладиган, ўзининг астойдил меҳнати билан ютуқлар қозонадиган қилиб тарбиялаш ўрнига текинтомоқлик психологиясини танасига сингдириб олиши мумкин. Биз, ўртоқлар, буни ҳисобга олишимиз керак. Партиянинг вазифаси комсомолнинг вазифаси, ҳаммамизнинг вазифамиз — ёшларни ижодий меҳнатга чинакам коммунистик муҳаббат билан қарайдиган қилиб, тарбиялашдир. Бу — ёруғ дунёда одамнинг энг гўзал фазилати.

Партия XXIII съездининг қарорлари ёшларни ҳар тарафлама камол топтириш учун янгидан қулай имкониятлар вужудга келтирмоқда. Корхона ва муассасаларимизнинг ходимлари аста-секин беш кунлик иш ҳафтасига ўтиб боришлари орқасида билим олиш, спорт билан шуғулланиш, китоб ўқиш, театр кўриш, туристик саёҳатларга чиқиш, оила даврасида бўлиш учун кўпроқ вақтга эга бўладилар.

Совет ёшларининг билимга ва маданиятга, тўлақонли маънавий ҳаётга иштиёқи жуда зўр ва қоларса романтикага иштиёқи жуда зўр. Бинобарин ёшлар билан ишлайдиган кишилар йигит ва қизларимизнинг ҳамма шу хилмахил ҳаваслари ва талабларини ҳисоб олмасликлари мумкин эмас.

Комсомол сўнгги йилларда ўз кучлари билан ёшлар учун жуда кўп уйлар ва туристик лагерлар қурди, ёшлар клублари очмоқда. Унинг мана шу ажойиб ташаббусини бундан кейин ҳам иложи борича кенг авж олдириш лозим.

Айни бир маҳалда кўпдан бери мавжуд бўлган стадионлар, концерт ёки лекция заллари бўш тургани ҳолда, ёшлар спорт байрами — дам олиш кечаси ўтказиш учун жой топа олмай юрадилар, буни нормал ҳол деб бўлмайди. Айтишларича, маҳкамачилик тўсиқлари халақит бераётган эмиш. Агар шу гап рост бўлса, бундай тўсиқларни олиб ташлаш керак. Биз бу вазифани ҳал қилишимиз мумкин. Ўз қўлимизда бўлган нарсаларнинг ҳаммасидан тўлароқ фойдаланишимиз зарур.

Модомики оммавий иш ҳақида гап очилган экан, ўртоқлар, шундай масалани қўймоқчиман: иккиуч йилда бир марта комсомол ёшларнинг Бутуниттифоқ фестивалларинқ, яъни ёшларнинг меҳнат, маданият, спорт соҳасидаги ютуқларини намойиш қилиш учун ўзига ҳос кўриқларни ўтказиб туришни бир ўйлаб кўрсак бўлмасмикан. Бундай фестивалларга тайёргарлик бутун мамлакат миқёсида кенг равишда ўтказилиши мумкин. Бу тадбир минг-минглаб ёшларни комсомолнинг актив фаолиятига, мустақил ижодкорликка, физкультура ва спортга жалб этиш имконини берган бўлур эди. Бу балки фойдали бўлур эди.

Усмирлар ўртасида, пионер ва мактаб ўқувчилари ўртасида тарбиявий ишнинг форма ва методларини муттасил такомиллаштириш — комсомол ташкилотлари учун энг зарур қоида бўлмоғи керак. Бу масалада кабинетда ўтириб олиб, қоғозбозлик қилишга, бир қолипда иш кўришга ва расмиятчиликка ўрин бўлиши мумкин эмас. Комсомолнинг иш жойи — завод цехларида, колхоз ва совхозларда, мактаб ва клубларда, ётоқхоналар ва спорт майдончаларида, кўчалар ва ҳовлиларда, хуллас ёшлар бор жойларда, ёшлар орасидадир.

Ўртоқлар!

Владимир Ильич Ленининг номини қабул қилиш билан, Коммунистик Ёшлар Союзи Ленининг фикрларини, маслаҳатларини, орзуларини ўз кундалик фаолиятининг доимий мезонига айлантириш, ҳар бир ёшга ленинизмни чуқур ўрганиш иштиёқини сингдириш каби жуда катта масъулиятни ўз зиммасига олган. Комсомол шундай бир мактабки, ёшларимизнинг жуда кенг оммаси унинг бағрида ленинизмни ўргана бошлайди, жамиятимизнинг онгли гражданлари бўлиб боради, коммунизм қурилишида актив қатнаша бошлайди.

Мамлакат ҳаётидаги кўп нарсалар ҳозир сизларга, сизларнинг ғайратингизга, меҳнатингизга, билимларингизга боғлиқ, ўртоқ комсомол активлари!

Партия ишонадики, сиз, мана шу съезд делегатлари, коммунистик қурилишдаги янги муваффақиятлар учун ғайрат билан олиб бориладиган қурашнинг ташаббускорлари бўласиз, съезддан кейин ўзингиз қайтиб борадиган ҳамма жойда — катта ва кичик қурилишларда, колхозларнинг бригадалари ва фермаларида, завод цехлари ва тадқиқотчилик марказларида янги беш йиллигимизни бажариш соҳасидаги Совет ёшларининг илҳомли меҳнатига бошчилик қиласиз.

Биз кўпгина конкрет вазифаларни — илмий ва техникавий, хўжалик ва маданий вазифаларни ҳал қилишимиз лозим бўлиб турибди. Лекин ҳар қандай ишни бажарар эканмиз, биз ҳамиша энг асосий нарсани тушунишимиз ва кўришимиз, мана шу ишларнинг ҳаммаси қандай мақсад учун қилинаётган бўлса, шу мақсадни кўришимиз керак. Бу буюк мақсад — коммунизмдир. Мана шу мақсад Октябрнинг абадий барҳаёт қаҳрамонларини қўҳна дунёни штурм қилишга етаклади, гражданлар уруши ва Улуғ Ватан уруши йилларида жангчилар билан командирларни шижоаткорликларга илҳомлантирди. совет кишиларининг авлодларини фидокорона меҳнатга отлантирди.

Сизларнинг съездингиз — катта воқеа. Лекин бу съезд тантана билан ўтказиладиган дабдабали тадбир эмас, балки комсомол ташкилотлари вакилларининг энг олий амалий йиғинидир. Сизлар Союз фаолиятидаги муваффақиятлар билан камчиликларни ҳар тарафлама анализ қилишингиз, Союзнинг ролини ва активлигини янада ошириш йўлларини белгилашингиз энг муносиб ва энг яхши кишиларни комсомол Марказий Комитетига сайлашингиз лозим.

Сизларнинг съездингизда комсомол иши тўғрисида жўшқин ижодий мунозара кенг авж олиб кетсин, танқид ва ўз-ўзини танқид овози дадилроқ янграсин. Сизлар амин бўлаверишингиз мумкинки, бизнинг партиямиз, унинг Марказий Комитети ўзининг содиқ ёрдамчилари бўлган комсомолларни уларнинг барча олижаноб ташаббусларида, Ватан бахт-саодати йўлидаги барча шонли ишларида қўллаб-қувватлайди!

Ўртоқлар, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг съездингизга йўллаган табрикномасини ўқиб беришга рухсат этгайсиз.

(Ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқи делегатлар томонидан зўр эътибор билан тингланди ва бир неча бор қарсаклар билан бўлиниб турди).

ВЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ҲИСОБОТИ ВА КОМСОМОЛНИНГ КПСС XXIII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ВАЗИФАЛАРИ

*ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари С. П. ПАВЛОВ доклади *)*

Биз, деди С. П. Павлов, ҳозиргина ҳаммамиз КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Леонид Ильич Брежневнинг нутқини ва Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг ВЛКСМ XV съездига табригини зўр эътибор билан тингладик. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг самимий табрик сўзларини Ленин комсомоли ҳаракат учун қўлланма деб, олға қараб ҳаракат қилишимиз учун аниқ ва равшан йўл деб билади.

Яқиндагина бу ерда, ана шу залда КПСснинг XXIII съезди бўлиб ўтди. Бу съезд партиямиз билан мамлакатимиз тарихида, халқаро коммунистик ҳаракатда муҳим босқични бошлаб берувчи улуғвор аҳамиятга эга бўлган воқеадир. Съезд партиячинг тош-метиндек бирлигини, юксак жанговар руҳини, большевистик принципиаллик ва ишчанлик, камчиликларга нисбатан муросасизлик намунасини намойиш қилиб кўрсатди.

КПСС XXIII съезди қабул қилган қарорлар ғоят пухта ишлаб чиқилган ва чуқур асосланган. Бу қарорларда партия турмушининг, демократиянинг мустаҳкамлаш ва кенгайтиришнинг, совет кишиларини юксак коммунистик онглилик руҳида тарбиялашнинг ленинча принциплари, социалистик экономикага раҳбарлик қилишга илмий ёндошиш принциплари янада ривожлантирилди.

Съезднинг иши, унинг ҳужжатлари КПСС Марказий Комитети октябрь (1964 йил) Пленумининг ва шундан кейинги пленумларининг қарорлари тўғрилигини, партиямиз Ленининг революцион таълимотига чексиз содиқлигини тасдиқлади.

Докладчи айтдики, партия XXIII съезди ёшларни тарбиялаш масалаларига катта эътибор бериб, бу жуда муҳим иш учун партия, комсомолнинг ва бошқа барча ташкилотларнинг масъулиятини уқтириб кўрсатди.

Бугун биз,—деди,—С. П. Павлов, партиямизга, унинг ленинчи Марказий Комитетига айтамизки: комсомоллар, совет йигит ва қизлари КПСС XXIII съезди қарорларини ўз фаолиятининг жанговар программаси деб қабул қиладилар, партия ёшларнинг кучига ишонганлигидан фахрланадилар ва ана шу ишончдан руҳланиб, ҳамиша ва ҳар ишда Коммунистик партия изидан борадилар!

Революцион тараққиётнинг ҳамма босқичларида, деди сўзини давом эттириб докладчи, ёшлар актив, таъсирчан куч бўлиб, партиянинг ишончли ёрдамчиси ва жанговар резерви бўлиб келди.

Ҳозирги ёш авлод — ғоявий эътиқодли, меҳнатсевар, матонатли кишилар, чинакам совет ватанпарварлари авлодидир. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Бизнинг оналаримиз ва оталаримиз, кекса ўртоқларимиз — коммунистлар ўзларига хос яхши фазилатларнинг ҳаммасини, — мардлик, матонат, революция идеаларига садоқат, жаҳонни коммунистик тарзда қайта қуришга бўлган жўшқин иштиёқни, — шу фазилатларнинг ҳаммасини ўзларининг ёш ўринбосарларига саҳийлик билан сингдириб келдилар ва сингдирмоқдалар.

— Бизнинг ёшларимиз ўз келажакларини, ўзларининг бахт-саодатини ўз қўлларига олганликларини яхши билишади. Бинобарин Ватан, партия, совет халқимиз ўз таланти, куч-ғайрати, ташаббускорлигини ишга солишда совет ёшларига, ҳар бир йигит ва қизга ёрдам бериш учун ҳамма чораларни кўрмоқдалар, бутина эмас, улар ёшларнинг жонкуярлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқдалар, унинг меҳнатдаги шижоатини юксак қадрламоқдалар. Буларни ҳис қилиш кишига кувонч бахш этади. Бугун биз Братск, Волжский, Жданов, Кривой Рог, Норильск ва Рудний комсомолларн, ёш ватанпарварларнинг меҳнатини партия билан ҳукумат муносиб тақдирлаганликларини эшитиб ҳурсанд бўлдик. Биз бу ўртоқларни чин кўнгилдан табриклаймиз ва шунга ғоят аминмизки, шу шаҳарларнинг комсомол ташкилотлари, ёшлари, улар билан бирга бизнинг бутун комсомолларимиз тагин ҳам қунт, сабот билан меҳнат қиладилар.

Комсомол составида 348 мингта бошланғич ташкилот бўлиб, уларнинг жанговарлик қобилияти ва ишчанлиги бутун комсомолга куч бағишламоқда, ёшларнинг кўз ўнгида комсомолнинг обрў-эътиборини ифодалаб бермоқда. Иккинчи томондан, ҳар қандай комсомол ячейкасининг кучи ҳар бир комсомолнинг активлигида, ташаббускорлигида ва ижодкорлигидадир. Инсондаги яхши фазилатларнинг ҳаммаси коллективга хизмат беради, коллективдаги ҳамма яхши фазилатлар эса ҳар бир комсомолнинг мулкига айланади, ундаги шахсий хусусиятларни камол топтиришга кўмаклашади.

Ҳисобот даврида комсомол сафига 15 миллиондан кўпроқ киши кирди. Бу — унинг обрў-эътибори эътироф қилинганлигининг, совет йигит ва қизлари бизнинг сафларимизда туриб коммунизм учун кураш мактабидан ўтишга сиддиқлиги ва интилаётганликларнинг яққол далилидир.

— Ҳар томонлама камол топган ва ўқимишли ёшларни, совет халқи ва Коммунистик партиянинг революцион идеаларига, жанговарлик ва меҳнат традицияларига содиқ бўлган ёшларни тарбиялаб етиштириш, уларда марксча-ленинча дунёқарашни, юксак ахлоқий фазилатларни, чуқур ғоявий эътиқодни шакллантириш;

— ёш авлоднинг ижтимоий-сиёсий активлигини ҳар томонлама ошириш, унинг коммунистик қурилишда, экономика, фан ва маданиятни ривожлантиришда амалий иштирокини кучайтириш;

— совет ватанпарварлигини, СССР халқларининг дўстлигидан иборат олийжаноб ҳис-туйғуларни, қўлга қурол олиб Октябрь ғалабаларини, социалистик Ватанимизнинг мудаддас чегараларини ҳимоя қилишга шай бўлиб турган туйғуларини тарбиялаб вояга етказиш;

— бутун дунё меҳнаткашлари олдидаги интернационал бурчга садоқат ва буржуа идеологиясига, империализм кирдикорларига қарши курашда ҳужумкор муросасизлик ҳислатларини тарбиялаб вояга етказиш — ана шуларнинг ҳаммаси Ленин комсомоли ишининг асосий мазмуни бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Ана шу мураккаб вазифаларни ҳал этиш тарбиявий ишнинг ҳамма энг самарали форма ва методларидан максимал даражада фойдаланишни талаб этади, бизнинг халқ маорифи ва маданият органлари билан, касаба союз ва ижодий бирлашмалар билан, мудофаа ва спорт ташкилотлари билан ҳамкорлигимиз нақадар мустаҳкам ва самарадор эканлигига боғлиқ бўлади.

Яна бир зарурий шарт бор. Маълумки, чуқур ва кўп илдиз отган дарахт ерда мустаҳкам туради, гуркираб шохлаб кетади. Худди шунингдек одам ҳам ўз халқи ва партиясининг қаҳрамонона ўтмишини қанчалик яхши билса, кекса авлодларнинг тарихий тажрибасига қанчалик кўпроқ таянса, турмушда ўзини бардам ва дадил ҳис қилади, келажакка комил ишонч билан қарайдиган бўлади.

Бизнинг мамлакатимизнинг тарихи — буюк тарих; биз эслаб ва арзийдиган ва фахрланса ярашадиган нарсалар кўп. Атиги ярим аср ичида бизнинг халқимиз турмушнинг деярли барча соҳаларида улкан ўзгаришларни амалга оширди: тамомила янги ижтимоий муносабатлар вужудга келтирилди, ишлаб чиқариш, маориф, фан ва маданият ғоят ривож топди. Лекин янги одам, қурашчи ва ижодкор одам, социализмнинг барча ғалабалари ижодкори вояга етказилганлиги — партиямизнинг энг буюк ғалабасидир.

Бу — муқаддас ғалабалардир. Бу ғалабалар сабот-матонат билан қилинган меҳнат, жанг майдонларидаги жасорат билан, оталаримиз ва оналаримизнинг қони билан қўлга киритилди. Совет ёшлари кекса авлодларнинг мардлиги ва фидокорлигига таъзим қиладилар, уларнинг улуғ ишини ҳамиша эслаб юрадилар ва муносиб равишда давом эттирадилар.

Совет ёшларини партия билан халқнинг қаҳрамонона революцион традициялари намунасида, Ватанга фидокорона хизмат қилишнинг ёрқин мисоллари руҳида, марксизм-ленинизмнинг улуғ ғоялари руҳида тарбиялаш бугун буён ҳам комсомолнинг диққат марказида туриши лозим.

Ҳозир, деб сўзини давом эттирди С. П. Павлов, комсомолларнинг деярли ярмиси ўрта, тўлиқсиз олий ва олий маълумотли қишилар бўлиб, комсомол сафларида бир миллиондан ортиқ олий ва ўрта малакали мутахассислар бор. Ваҳолонки, бундан 20 йил муқаддам комсомол сафида атиги 62 минг олий ва ўрта малакали мутахассислар бор эди. Экономика жадал ривож топаётганлиги ва унинг тармоқлари кўпайиб бораётганлиги муносабати билан кўпгина янги касблар пайдо бўлди.

Ленин комсомолининг биринчи даражали вазифаси шундан иборатки, хилма-хил, ҳар бир категория учун ўзига хос бўлган турли восита ва формалар орқали ёшларни марксизм-ленинизм фачи хазинасидан баҳраманд қилиш, буюк коммунистик ишнинг тангаси учун курашга жалб этиш керак.

Биз жаҳонда энг илғор идеология билан қуроллганлигимизнинг ташқари пропагандининг оммавий воситалари бой хазинаси бизнинг қўлимизга бериб қўйилган.

Дарҳақиқат, ёшлар газеталари ва журналларининг бир галги тиражи 40 миллион нусхадан ошиб кетди! XIV съездан кейин «Комсомольская правда» газетасининг тиражи 2,5 миллион нусха кўпайди ва ҳозир у 6,5 миллион нусхадан ошиб кетди. «Пионерская правда» газетаси 8 миллиондан ортиқ нусхада чиқмоқда. Шу вақт ичида «Молодой коммунист», «Комсомольская жизнь» сингари ижтимоий-сиёсий журналларнинг тиражлари 3 баравар ошиб кетди. ВЛКСМ Марказий Комитетининг ташаббуси билан «Юность» («Ёшлик») радиостанцияси, Марказий телевиденнеда болалар ва ўсмирлар учун эшиттириш бош редакцияси ташкил этилди.

Ёшлар матбуоти, радио, телевидение эса ёшларнинг бевосита ташкилотчилари сифатидаги ролини тобора кучайтирмоқда, комсомол ташкилотларидаги ишларнинг аҳволи учун жавобгарликнинг каттагина қисмини ўз зиммасига олмоқда.

Эҳтимол, баъзи бир ақлилар: сиёсий маорифнинг тўгарак ва семинарларидан воз кечиш пайти келмадимикан? — деган саволни ўртага ташлаётганликларига шу нарса сабаб бўлаётгандир. Йўқ, бу фикрга қўшилиб бўлмайди. Жонли фикрлашув, суҳбат, мунозарани ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмаслиги учунгина бу фикрга қўшилиб бўлмайди деб айтаётганим йўқ. Армияда уничг техникавий қурол-яроғлари нечоғли такомиллашган бўлмасин, одам ҳал қилувчи куч бўлиб қолгани сингари пропаганда ишида ҳам, унинг оммавий воситалари нақадар такомиллашган бўлмасин, пропагандист, унинг отаишин сўзи асосий фигура ва асосий восита бўлиб қолаверади.

ВЛКСМ XIV съездидан кейин сиёсий клублар, ёш марксист университетлари, Ленин сабоқлари, ҳозирги замоннинг актуал проблемаларига бағишланган назарий семинарлар ва конференциялар сингари пропаганда ишининг актив формалари йигит ва қизларнинг эътиборини қозонди.

ВЛКСМ Марказий Комитети сиёсий маорифни ёшлар турли категорияларининг талаб ва эҳтиёжларига яқинлаштиришга, уларнинг ёши ва билим даражасини ҳисобга олишга ҳаракат қилди.

КПСС XXIII съездининг 23 ёшгача бўлган ёшларни партияга ўқиш ВЛКСМ орқали қабул қилиш тўғрисидаги қарори бўлғуси коммунистларни тарбиялаш ва уларга сиёсий билимларни бериш учун, уларнинг партиямиз тарихини чуқур билиб олишлари учун комсомол ташкилотлари зиммасига тагин ҳам кўпроқ масъулият юклайди.

Йигит ва қизларнинг умумий билим савиясини оширмай туриб, уларни ғоявий-сиёсий тарбиялаш ишида муваффақиятга эришиб бўлмайди. Ҳисобот даврида кечки ва сиртқи таълим кенг кўламда ривож тобди. ВЛКСМ XIV съездидан кейин ишчи ва қишлоқ ёшлари мактабларининг ўқувчилари 1,6 миллион киши, сиртдан ўқувчилар эса уч баравар кўпайди. Ёшларга билимларни пухта ўргатиш, уларнинг умумий билим савиясини ошириш — комсомол ташкилотларининг энг муҳим вазифасидир.

Комсомол ходимлари ва активлари ёшлар оммаси ўртасидаги сиёсий ишларда шахсан қатнашган тақдирларидагина бу иш кўнгилдагидек бўлади. Комсомол ходимлари ва активлари ўз билимларига таяниб баҳслашиш, ишонтириш, тушунтириш санъатини эгаллаб олишлари, лекторлик, нотиқлик, омманинг сиёсий ташкилотчиси бўлиш маҳоратини камол топтириши жуда муҳимдир.

КПСС Марказий Комитети октябрь (1964 йил) Пленумидан кейин бўлиб ўтган йиғилишлар, конференциялар, съездларда, ВЛКСМ Марказий Комитетининг пленумларида комсомол фаолиятининг энг муҳим, энг асосий масалалари муҳокама қилинди. VII пленум комсомол комитетлари иш услубини янада яхшилаш ва такомиллаштириш йўлларини белгилаб берди, кераксиз, иккинчи даражали нарсаларнинг ҳаммасини бир теккага йиғиштириб қўйишни ва ёшлар ташкилотига хос бўлган форма ва методларни ишга солиб, ёшларнинг ташаббуси ва куч-ғайратини конкрет ва фойдали ишларга сафарбар этишни комсомол комитетларидан қатъий талаб қилди. ВЛКСМ Марказий Комитети VII пленумидан сўнг ўтган бир йил шу пленумнинг қарорлари комсомол ташкилотлари жанговарлигини оширишга, ВЛКСМ барча бўғинларини ташкилий-сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлашга ёрдам берганлигини кўрсатди.

Миллион-миллион йигит ва қизларнинг маданиятга, бадиий ижодкорликнинг энг яхши намуналари ёрдамида жаҳонни идрок қилишга иштиёқманд бўлаётганликлари, эмоционал таъсир ўтказишнинг кучи зўрлиги, деди докладчи, — шуларнинг ҳаммаси адабиёт билан, санъатнинг ёш авлод дунёқарашини, эстетик ва ахлоқий идеалларини шакллантиришдаги алоҳида ролини белгилаб беради.

Ҳозир биз ёш талантлар тобора кўпроқ камол топаётганлигини, гражданлик ва партиявий етуклик уларга хос фазилат эканлигини тўла асос билан айтишимиз мумкин.

Бугун биз ёзувчи билан рассомнинг, композитор билан артистнинг меҳнати тўғрисида зўр ҳурмат ва чексиз миннатдорчилик билан гапирамиз. Уларнинг ижоди Ватанга муҳаббат муқаддас ҳис-туйғуларини, юксак гражданлик, жасорат кўрсатишга интилиш, беғубор инсонпарварлик хислатларини ёшларга сингдиришда партия билан комсомолга ёрдам бермоқда.

Адабиёт ва санъат масалаларида комсомол ҳамиша принципиал позицияда туриб келди. Чунки ҳайрихоҳлик, ўртоқлик муносабати ҳеч маҳал ҳайбаракаллачиликка, асарларнинг ғоявий-бадиий фазилатларига нисбатан талабчанликни пасайтиришга айланиб кетмаслиги лозим.

Маълумки, аввало ўткир социал мазмундан маҳрум бўлган асарлар, «қаҳрамонлари» ўзларининг турмушдан хафсаласи пир бўлганлигини, турмушнинг сийқалашиб кетганлигини, орзу-армонлари барбод бўлганлигини жаҳонга жар

ЎРТОҚ С. П. ПАВЛОВ ДОКЛАДИ

(Боши иккинчи бетда).

Марказий Комитет пленуми Николай Островскийни Ленин комсомоли мукофотининг биринчи лауреати деб атади. Николай Островский орамизда йўқ. Лекин Павка Корчагининг ўлмас образи комсомол сафларида ҳамиша тирик. Бизнинг авлодимиз ва келажак авлодлар ундан ибрат олиб, большевикча пўлат характерларни чиниқтираверадилар.

Докладчи бошқа лауреатларнинг номларини айтиб берди:

Грузин ёзувчиси, ўсмирлар учун ёзилган «Мен, бувим Илико ва Илларион» ҳамда «Мен қуёшни кўраяпман!» деган ажойиб қиссаларнинг автори Нодар Думбадзе.

Литвалик кинорежиссёр, мароқли, гўзал «Ҳеч ким ўлишни истамади» деган фильмнинг яратувчиси Витаутас Жалакявичус.

Ёшларнинг доимий йўлдоши бўлиб қолган қўшиқлар автори Александра Пахмутова.

«Клава Иванова қиссаси», «Шўх арчалар», «Кумуш рельслар» қиссаларининг автори Владимир Чивилихин.

«Ёш гвардия» спектаклини яратган Ленин комсомоли номли Киев ёш томошабинлар театрининг коллективи.

С. П. Павлов съезд делегатлари номидан, барча комсомоллар ва ёшлар номидан съездда ҳозир бўлган лауреатларни муносиб мукофот билан чин кўнгилдан табриклади.

Кекса авлоднинг революцион ва жанговар традициялари вориси бўлган совет ёшлари, деди сўнгра докладчи, ўз Ватанини дунёдаги ҳамма нарсадан ортиқ севади. Ватан қудрати ва кучининг равнақи фақат ҳозирги авлоднинг эмас, балки келажак авлодларнинг ҳам бахт-саодат манбаидир. Уларнинг Социалистик Ватанни ҳимоя қилишдан ҳам муқаддасроқ ва фахрлироқ вазифаси йўқ.

Қуролли Кучларимиз билан комсомолнинг дўстлиги қадимий ва мустаҳкамдир. Авиация ва Ҳарбий-Денгиз Флотига оталиқ, ВЛКСМ байроғидаги иккита жанговар орден, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш соҳасида биргаликда олиб борилаётган иш — бу дўстликни характерловчи мисолларнинг ҳаммасини айтиб бериш қийин. Армияга чақирилувчиларнинг 80 процентдан кўпроғи комсомоллар экан, армия сафидан бўшаган минг-минглаб жангчилар комсомол йўлланмаси билан зарбдор қурилишларга бораётган экан, комсомол билан армияни бир-биридан айириб бўладими, ахир. Бу дўстликни янада мустаҳкамлаш учун, Совет Армиясининг қудратини кучайтириш учун бундан буён ҳам ҳамма чораларни кўравериш комсомолнинг муқаддас бурчидир.

Душман ўз ёшларини зўр бериб урушга тайёрламоқда. Шу билан бирга бизнинг душманларимиз, бир буржуа журналининг таъбири билан айтганда, бўлғуси урушда матросовлар билан космодемьяняскаяларнинг бўлмаслиги учун ҳаракат қилмоқдалар. Беҳуда хомтама бўласизлар! Сўнгги тўрт йил ичида ёш жангчилардан 7 мингдан ортиқ киши жасорати ва мардлиги учун, янги жанговар техникани муваффақиятли эгаллаб олганлиги учун Совет Иттифоқи орден ва медаллари билан мукофотланди. Бизнинг армиямиз ва флотимизда, чегара қўшинларида ва ички қўшинларда аълочи бўлинмалар, кемалар ва кемаларнинг сони тўхтовсиз кўпаймоқда. ВЛКСМ аъзоларининг ғоят кўпчилиги ҳарбий бурчни бажаришда намуна кўрсатмоқда.

Комсомол ташкилотлари ёшларни солдатнинг оғир, лекин фахрли хизматини самимий ҳурмат қилиш руҳида доим тарбиялаши лозим.

XIV съездан кейин, деб сўзини давом эттирди докладчи, комсомол хусусан болалар ва ўсмирлар орасида оммавий физкультура ҳаракати проблемалари билан чуқурроқ шуғулланди. Болаларни физкультура ва спорт машғулотларига жалб этишнинг баъзи янги формалари қидириб топилди.

Совет спорти, шубҳасиз, муваффақиятларга эришди, аммо, ташвишлантирадиган нуқсонларни ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Масалан, жаҳон биринчилиги учун ўтказилган мусобақаларда коньякчиларимизнинг иштироки қўнгилдагидек бўлмади. Бизнинг эркак ганчиси командаларимиздан бирор киши ҳам жаҳон чемпионатлари ва олимпиада ўйинларининг бутун тарихида биринчи марта шахсий мусобақаларда мукофотланувчилар сафига ўтолмай қолди. Бизнинг командамиз эстафета пойгасида ҳам мағлубиятга учради.

Хўш, бунинг бойиси нима? Аввало, янги одамларнинг жуда камлиги, ҳатто ачинарли даражада камлиги эътиборни жалб этади. Жаҳон биринчилиги учун ўтказилган мусобақаларда қатнашган командалар орасида СССР коньки терма командасининг ўйинчилари ёш жиҳатидан энг катта спортчилар эди.

XXIII съездда, деди С. П. Павлов, йигит ва қизларнинг ҳозирги авлоди кекса авлод бошидан кечирган революцион қураш ва чиниқишнинг ғоят жиддий мактабидан ўтмади, деб таъкидланди. Айрим ёшлар жўшқин ҳаётни четлаб ўтмоқчи бўладилар, бировга бонм бўлиш кайфиятларига берилиб, давлатдан кўпроқ талаб қиладилар, лекин жамият олдидаги, халқ олдидаги ўз бурчларини эсдан чиқариб қўядилар. Буржуа идеологлари, бизнинг душманларимиз ана шундай чиникмаган ва ҳар қандай идеологик иллатларни ўзларига тез юқтирадиган кишилардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга уринадилар.

Ҳар қандай гапларга ишонаверадиган содда кишилар ҳали борлигига умид боғлаб, буржуа пропагандистлари капитализм гўё кишига гарантиялаб берадиган «умумий фароғат», «эркинлик» ва «демократия» тўғрисида ҳормай-толмай гап сотмоқдалар.

Ҳамма нарса — матбуот, радио, телевидение, кино, туризм, адабиёт, музика, рақс ана шундай мадҳияларга хизмат қилади.

Ана шу парда, ана шу алдамчилик руҳи билан суғорилган ноқоб империалистларга воқеликни яшириш, одамларни йўлдан уриш учун, меҳнаткаш халқнинг оммавий эксплуатацияси ва қашшоқлиги каби, монополияларнинг фойдалари йўлида қонли урушларни уюштириш каби мудҳиш жиноятлар учун жавобгарликдан қочиб қутулмоқ учун керак.

Империалистларнинг асосий стратегияси, идеология соҳасидаги қўпорувчилик ишларининг мақсади — ёшларимизни ғоявий жиҳатдан айнитиш, уларда коммунистик идеалларга бўлган ишончга путур етказишдан иборат. Буржуа пропагандаси бизнинг мамлакатимизда қандайдир «марказдан қочиш қучлари»ни пайпаслаб билиб олишга уринмоқда, СССР халқлари дўстлигига раҳна солиш, буржуа миллатчилиги заҳарини орамизга ёйишга интилмоқда, норози кишиларни қидириб топиб, улардан ўзларининг чирик ғояларини тарқатиш учун фойдаланишга уринмоқда. Буржуа пропагандаси кишининг занф томонларидан фойдаланиб, осон кун кечириш ва кайф-сафолар ваъда қилиб, ёшларни бузишга ҳаракат қилмоқда. Биз тўла асос билан шуни айта оламизки, совет ёшларига нисбатан бундай уринишлар тамомила беҳуда бўлиб, ҳеч қандай натижа бермайди.

Комсомол ташкилотлари буржуа идеологиясига қарши, унинг юзига қандай ниқоб тортишидан қатъи назар, бундан буён ҳам муросасиз кураш олиб боришлари керак. Жаҳонда идеологиялар-нинг кескин кураши давом этмоқда ва бу ҳол биздан доим ҳушёр бўлишни, бу курашда ақлий ҳужумкор позицияни эгаллашни талаб қилади.

Ёшларнинг қаҳрамонона меҳнати, деб таъкидлади С. П. Павлов, уларнинг коммунистик идеалларга садоқатини исбот этувчи энг яхши далилдир. Совет ёшлари янги беш йиллик планни аҳл-идроқ билан, чин кўнгилдан англайдилар ва қабул қиладилар, ахир, бу план ёшларнинг меҳнати, ўқиши, ҳаёти ва истиқболи-ку. Тўла асос билан айтиш мумкинки, ижодкор ва тадбирли кишига хос хислатлар, ишчи ифтихори ва ишчи шаън-шарафи меҳнаткаш халқнинг ҳозирги ёш намояндаларига хосдир.

Ёшлар яхши меҳнат қилишни билибгина қолмай, балки давлатни, коллективнинг, бутун мамлакатнинг иқтисоий ҳаётини бевосита бошқаришда ҳам актив қатнашмоқдалар. Ёш меҳнаткаллар — комсомоллар коммунистик қурилишда партиямизнинг мустаҳкам таянчидир.

Комсомол ташкилотлари ВЛКСМ XIV съезднинг топшириқларини бажара бориб, меҳнат унумдорлигини юксалтириш, чиқариладиган маҳсулотнинг сифатини яхшилаш ва таннархини камайтириш учун, халқ маблағларини тежаш, ишлаб чиқариш резервларини қидириб топиш ва улардан фойдаланиш учун қураш каби энг муҳим вазифаларни ҳал этишда конкретроқ қатнаша бошладилар.

Зарбдор қурилишларда иштирок қилиш — комсомолнинг ишида ғоят муҳим ўрин олди. Ёшларнинг коллективлари нормаларни ва лойиҳаларни дадил қайта кўриб чиқиш, янгилик ва прогрессивликни кенг жорий қилиш ташаббускорлари бўлдилар. Комсомолларнинг Бутуниттифоқ зарбдор қурилишларидаги кўп объектлар комсомол ва ёшларнинг зўр меҳнат ғайрати туфайли муддатидан илгари ишга туширилди.

Комсомолларнинг Бутуниттифоқ зарбдор қурилишлари — комсомол тарихининг ёрқин ва қаҳрамонона саҳифаларидир, ҳаётнинг энг яхши мактабидир, Ленин комсомолининг, барча совет ёшларининг ифтихоридир!

Бунда давлатнинг манфаатлари билан комсомол каби жамоат ташкилотининг манфаатлари ҳамда ҳар бир йигит ва қизнинг манфаатлари тўла равишда бирга қўшиб олиб борилаётганлигини, уларнинг бир-бирини тўлдираётганлигини ёшлар тушунмоқдалар ва чин кўнгилдан ҳис этмоқдалар.

Давлат нуқтаи назаридан қараганда, жамоат чақириғи каби бундай форма ташкилий тартибда ишчи кучлар олишдан фарқ қилиб, билимлироқ ва барқарорроқ кадрларга эга бўлиш, янги районларни тезроқ ўзлаштириш ва одамларни тезроқ жойлаштириш, қурилиш муддатларини анча қисқартириш имконини беради.

Ёшларнинг нуқтаи назаридан олиб қараганда, зарбдор қурилишлар саёҳат ва жасорат романтикаси бўлибгина қолмай, балки мустақил иш кўриш мактаби ҳамдир, бу қурилишлар тезроқ ихтисос касб этиш, ҳаётнинг улкан йўлига чиқиб олиш имконини беради.

Йигит ва қизлар, деди С. П. Павлов, партиянинг янги чақириғига бажонидил қўшиладилар, қурилишлардаги ёш бинокорлар, монтажчилар ва комсомол ташкилотлари беш йиллик иншоотларини ўз вақтида ва сифатли қуриш учун бутун куч-ғайратларини сарф қиладилар, деб қатъий ишонч билдиришга ижозат бергайсиз.

Комсомол ташкилотлари кадрларни тайёрлаш ва ёш ишчиларнинг малакасини ошириш, уларнинг ўқиши ҳамда дам олиши учун шароит вужудга келтириш масалалари билан тинмай шуғулланишлари лозим. Комсомол комитетлари ёшлар ўртасида иқтисодий билимлар пропагандасини амалий равишда уюштиришлари, қилинаётган ишлар тўғрисида уларнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги, самарадорлиги нуқтаи назаридан фикр юритишни ўргатишлари лозим.

Докладчи комсомол ташкилотларининг буюмлар сифатини яхшилаш учун, материалларни, электр энергиясини тежаш, ҳар бир участкада иш вақтининг бекор ўтишига чек қўйиш учун қурашни кучайтириш зарур эканлигини таъкидлади.

Умумий таълим мактабларида, деди С. П. Павлов, ўқиш йили ғамом бўлишигача жуда оз вақт қолди. Миллионларча йигит ва қизлар ҳаётга йўлланма оладилар. Комсомол комитетлари бошқа ташкилотлар билан биргаликда мактабларни битириб чиқувчиларнинг келгуси касбларини белгилаб олишларига ёрдам беришлари, мустақил ҳаётда тўғри қадам қўйишга кўмаклашишлари лозим.

Ҳозирги вақтда профессионал-техника таълими қўқув юртларида бир ярим миллион йигит ва қиз ўқимоқда. Буларнинг ярмидан кўпроғини комсомоллар ташкил этади. Ўқувчиларнинг чуқур билим олишлари, намунали интизом учун курашда комсомол ташкилотларининг роли ва жавобгарлигини ошириш, ўқув юртларини тарбиячи кадрлар билан таъминлашда, янги ўқув юртларини қуриш ва мавжуд ўқув юртларини кенгайтиришда, ўқув юртларининг моддий техника базасини мустаҳкамлаш, болаларнинг техника соҳасидаги ижодкорлигини ривожлантиришда, уларнинг ўқишдан бўшаган вақтларида фойдали ва мароқли ишлар билан шуғулланишларини таъминлашда профессионал-техника таълими органларига ёрдам бериш керак.

Докладчи аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасидаги ишларни яхшилашда комсомолнинг ролига алоҳида тўхталиб ўтди. Беш йиллик даврида бир неча миллион янги ходим хизмат кўрсатиш соҳаларига келиши керак. Ана шу масъулиятли соҳага ёшларни жалб этиш ғоят муҳимдир.

КПССнинг XXIII съезди, деди сўзини давом эттириб докладчи, қишлоқ хўжалигини техника билан қайта қуроллантириш, ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш, қишлоқнинг маданий қиёфасини ўзгартириш асосида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш суръатларини кескин суратда жадаллаштириш вазифасини қўйди.

Қишлоқлардаги комсомол ташкилотларининг амалда зарбдор отрядлар бўлишга, ёшларни меҳнат жараёнида тарбиялашга интилганликлари ва уларни энг муҳим хўжалик вазифаларини ҳал этишга сафарбар қилганликлари ҳисобот даврининг муҳим хусусияти бўлди. Аммо, ёшларнинг бир қисми шу пайтгача қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг оғир участкаларида ишлашдан бўйин товламоқда, ер ва техникага эътиборсиз қарамоқда. Қишлоқлардаги йигит ва қизлар, хусусан ўрта мактабларни тамомлаб чиққан йигит ва қизлар умуман қишлоқдан бошқа жойга кўчишга интилаётганлигини кўрсатувчи ҳоллар кўп учраб туради.

Совет деҳқонларининг ёш ўринбосарларини, билимли, ўз ишини севадиган ёш деҳқонларни тарбиялашда комсомолнинг ролини ошириш керак. Партия ва ҳукуматнинг меҳнатнинг объектив шароитларини, қишлоқ меҳнаткашларининг бутун ҳаётини анча яхшилаш учун кўраётган қатъий тадбирлари бизнинг зиммамизга шу вазифани юклайди.

Қишлоқларда ВЛКСМ аъзолари бўлган 600 мингга яқин тракторчи, комбайнчи ишламоқда. Бу — мамлакатдаги барча механизаторларнинг тўртдан бир қисмини ташкил этади. Беш йилликнинг охирига бориб эса, қишлоқ меҳнаткашларининг ана шу категорияси икки баравардан зиёд ортади.

Комсомол ташкилотлари ҳозирги қишлоқ хўжалигининг ана шу энг муҳим касбини зўр активлик билан пропаганда қилишлари лозим.

Партиянинг XXIII съезди таъкидлаб ўтганидек, деҳқончилик маданиятини юксалтириш соҳасидаги тадбирларни амалга ошириш мамлакат қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда энг муҳим вазифадир. Ёшлар ҳамма жойда деҳқончиликнинг прогрессив системаларини, ишлаб чиқариш технологиясини жорий қилиш, янги машина ва механизмларни ишлатишда, ўғитлардан ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларидан рационал фойдаланишда актив ёрдам беришлари лозим.

КПСС XXIII съездининг Директиваларида колхоз ва совхозларни электрлаштиришни янада кенгайтириш кўзда тутилади. Беш йилликда қишлоқ хўжалигида электр энергиясини истеъмол қилиш тахминан 3 баравар ортади. Тажриба шуни кўрсатадики, комсомол шаҳар ва қишлоқ ёшларини бирлаштириб ва уларнинг куч-ғайратини сафарбар қилиб, қишлоқ хўжалигини электрлаштиришни тугаллашда, Ленининг ҳар бир ферма, ҳар бир хўжалик, ҳар бир уйни электр билан таъминлаш тўғрисидаги ўрзуларини рўёбга чиқаришда партияга ёрдам бера олади.

Чорвачилик фермаларида ишлаётган ёшларга анча катта эътибор қилиш керак.

Қишлоқнинг шаҳар билан яқинлашиб бораётганлиги — ҳозирги куннинг характерли процессларидан биридир. Партия, давлат бу процессни янада кучайтириш учун тобора мустаҳкам негиз вужудга келтирмоқдалар. Бундай яқинлашиш иқтисодий соҳадагина эмас, балки маданий-социал соҳада ҳам ривожланмоқда ва бундан буён ҳам ривожлана беради. Қишлоқ аҳолисининг, хусусан ёшларнинг қиёфаси тамомила ўзгарганлиги, ёшларнинг билим, профессионал, умумий маданий савияси ўсганлиги буни яққол кўрсатиб турибди.

Қишлоқ информация ва маданиятнинг радио, матбуот, телевидение, китоб, кино каби энг оммавий ва энг самарали воситалари билан тобора кўпроқ таъминланмоқда.

Қишлоқнинг иқтисодий ва маданий қиёфасини ўзгартириш вазифалари ВЛКСМнинг ташкилий ишларини янада юксак даражага кўтаришни талаб қилади.

Докладчи сўзини давом эттириб, бундай деди: Мусобақа ёшларнинг меҳнат ғайратини оширишнинг ҳамишa муҳим воситаси бўлиб келди ва шундай восита бўлиб қолаверади. Меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш юзасидан комсомолнинг ташаббуси билан бошланган ҳаракат кенг қулоч ёйди. Бу ҳаракат ёшлар орасида вужудга келди ва замонанинг характерини акс эттирди, ижтимоий ва ишлаб чиқариш муносабатларининг принципиал янги хусусиятларини гавдалантиради. Комсомол ташкилотлари ёшларни бундан буён ҳам меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракатига актив жалб этишлари керак.

Совет олий мактаби тайёрлаган ва тарбиялаган миллионларча мутахассислар Ватанимизнинг ҳамма қисмида ва ундан ташқарида, халқ хўжалиги, маданият, маориф, соғлиқни сақлаш, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг турли соҳаларида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Мутахассислар тайёрлаш олдига қўйилаётган талабларнинг ғоят ўсганлиги ўқув юртлари комсомол ташкилотларининг зиммасига ҳар бир студентни юксак онглилик ва билимларни эгаллаш учун шахсан жавобгарликни сезиш руҳида тарбиялаш вазифасини юклайди.

Студентларнинг кўнгилли қурилиш отрядлари сиёсий ва ташкилотчилик хислатларини ўстиришнинг, меҳнатда чиниқтиришнинг ажойиб мактабидир. Қўриқ ерларнинг бир ўзидагина ўн мингларча студентлар бу мактабдан ўтдилар. Студентларнинг хилма-хил техника билан қуролланган отрядлари замонавий уйларни, клубларни ва ҳатто кўприк, теплотрасса, механизациялаштирилган дон хирмонлари каби мураккаб иншоотларни қурмоқдалар. Бу йил ёз фаслида 60 мингга яқин студент Қозғистондаги қурилишларга, Тюменнинг нефть чиқариладиган районларига, янги транспорт магистраллари қурилишига жўнаб кетади ва қишлоқ районларини электрлаштириш билан шуғулланади.

Бизнинг фикримизча, деди С. П. Павлов, барча иттифоқдош республикалар, қаҳрамон шаҳарларнинг студентларидан махсус комсомол отряди тузиб, зилзиладан зарар кўрган шаҳарни тиклашда ёрдам бериш учун ёзги каникул вақтида Тошкент шаҳрига юбориш маъқул иш бўлур эди.

Ҳозирги вақтда дунёнинг олган ҳар тўрт мутахассисининг тахминан учтаси ўрта махсус ўқув юртларини тамомлаб чиққан ёшлардан иборат. Техникумларда ва ўқув юртларида 4 миллионга яқин киши ўқимоқда, беш йилликнинг охирига келиб, уларнинг сони беш ярим миллионгача етади. Область, ўлка комсомол комитетлари, иттифоқдош республикалар ЛКСМ Марказий Комитетлари ўрта махсус ўқув юртларидаги комсомол ташкилотларининг ҳаётига доир ҳамма масалаларга жиддий эътибор беришлари, уларга кун сайин эътибор қилиб, ёрдам кўрсатишлари лозим.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртларини ҳар йили бир миллиондан ортиқ ёш мутахассис тамомлаб чиқмоқда. Комсомол ташкилотлари уларнинг билим ва ғайрат-шижоати кундалик майда-чуйда ишлар билан банд бўлиб қолмаслиги, ёш инженерлар ва агрономлар, зоотехниклар, ўқитувчилар, врачларнинг, ҳуллас бутун ёш интеллигенциянинг ижодий иши, ҳар томонлама, маънавий ҳаёти учун бутун шарт-шароитни қўжудга келтириш тўғрисида ғамхўрлик қилишлари лозим.

Ёшларнинг фан соҳасидаги роли тобора ўсмоқда. Илмий ходимларнинг ярми ёши 30 дан ортмаган кишилардир. Аммо, ҳал этишни ҳаётнинг ўзи қаттиқ талаб этаётган масалалар бор. Аспирантларнинг ярмидан кўпроғи ўз диссертацияларини белиланган муддатларда ёқламаётир. Бу — қобилиятсизлик натижаси бўлибгина қолмай, балки ташкилий нуқсонлар. шу жумладан асарларни босиб чиқариш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий қилишдаги қийинчиликларнинг ҳам оқибатидир. Биз СССР Фанлар академияси президиумидан илм-фан соҳасида шуғулланувчи ёшлар билан ишлаш проблемасини махсус равишда қараб чиқишни илтимос қиламиз. Комсомол ташкилотлари ёш илмий ходимларнинг ижодий ўсиши тўғрисида ҳам, сиёсий камолатга эришуви тўғрисида ҳам чуқурроқ ва жиддийроқ ғамхўрлик қилишлари лозим.

Партия ва ҳукумат болаларга ғамхўрлик қилишни коммунистик қурилишдаги асосий вазифаларнинг бири деб ҳисобламоқдалар. Энг яхши нарсаларнинг ҳаммаси — болаларга, деган ленинча шиор янги мактаб ва шифохоналарда, болалар боғчалари ва яслиларда, минг-минглаб пионер лагерларида рўёбга чиқмоқда. Болаларга ижтимоий тарбия бериш бутун совет халқининг иши бўлиб қолди.

КПСС XXIII съездида, партия Марказий Комитетининг съездимизга юборган табригида комсомол болалар ўртасида ишлашни кучайтириши, пионер ташкилотининг фаолиятини яхшилаш чораларини кўриш лозим, деб таъкидланади.

Кейинги вақтларда пионер ташкилотларида революцион романтика, совет халқи қаҳрамонлиги ўз ифодасини топган кўпгина жонли, конкрет ишлар вужудга келди.

Аммо, ВЛКСМ Марказий Комитети олаётган хатларда, газеталарнинг саҳифаларида Бутуниттифоқ пионер ташкилоти, унинг марказий советининг ишлари тўғрисида, комсомолнинг пионер ҳаракатига раҳбарлиги тўғрисида кўпгина ҳаққоний таъна гаплар айтилмоқда.

ВЛКСМ Марказий Комитети ҳозирги вақтда пионерлар ташкилотининг иш самарасини оширишга қаратилган бир қанча масалалар билан шуғулланмоқда. Афтидан, пионер ташкилотининг иш мазмуни ва формаларини ҳозирги куннинг талабларига мувофиқлаштириш, ташкилотнинг структураси ва иш методларини такомиллаштириш зарурати туғилди. ВЛКСМ Марказий Комитетининг яқинда ўтказиладиган пленумларидан бирини ана шу энг муҳим масалага бағишлаш маъқул бир иш бўлади.

Докладчи мактаб комсомол ташкилотларининг ишига батафсил тўхталиб ўтди.

Шуни айтиш керакки, биз мактаб ўқувчиларининг ҳар нарсага қизиқиши ва ҳар нарсани билиб олишга интилишини қай тарқа кучайтириш ва қайси йўлдан олиб бориш тўғрисида ҳали кам ўйлаётганимизни ва, ҳатто Бутуниттифоқ конкурсларини ўтказиш нима учун мумкин эмас. Бу конкурсларнинг ғолибларини Москвага чақириб, махсус значоклар билан, мамлакат бўйлаб туристик саёҳат йўлланмалари билан мукофотлаш мумкин бўлур эди. Буларнинг ҳаммаси болаларда билимга бўлган ҳавасни оширган бўлур эди. Ватанга бўлган муҳаббатни мустаҳкамлаган бўлур эди.

С. П. Павлов доклад бўлимларидан бирини сует ёшларининг бошқа мамлакатлардаги ёшлар билан дўстона алоқаларини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш масалаларига бағишлади.

Ҳозирги вақтда ВЛКСМ ер юзида мавжуд барча миллий, регионал ва халқаро демократик ёшлар ташкилотлари билан амалда ҳамкорлик қилмоқда. Сўнгги икки йил ичидагина ВЛКСМ Марказий Комитети ва СССР Ёшлар ташкилотлари комитетининг таклифи билан Европа, Осиё, Африка, Америка ва Австралиядаги юздан кўпроқ мамлакат ёшлари ва студентлари делегациялари мамлакатимизда бўлишди.

Самимий муносабатлар Социалистик давлатлар ёшларининг қардош союзлари билан бизнинг алоқаларимизга хосдир. Тез-тез делегациялар юбориб туриш, ёшлар ҳаракатининг муҳим проблемалари юзасидан доимий амалий алоқалар ва маслаҳатлашиб туришлар тўпланган тажрибани тўлароқ умумлаштириш ва ҳар бир ташкилот тажрибасидаги энг яхши нарсалардан фойдаланиш имконини бермоқда. Марксизм-ленинизм, социалистик интернационализм, бир-бирини қўллаб-қувватлаш ва тўла тенг ҳуқуқлилик принципларига асосланган ана шундай ҳамкорлик социалистик мамлакатлар ёш авлодининг туб манфаатларига мос бўлиб тушмоқда.

Афсуски, Хитой комсомоли билан бизнинг муносабатларимиз қониқарли эмас. Бундай аҳвол бизнинг айбимиз билан юз бераётганлиги ҳаммага маълум. Мавжуд қийинчиликларни бартараф этиш, муносабатларни нормалаштириш учун биз куч ғайрат сарф қилмоқдамиз. Бироқ, биз кўрсатаётган ташаббуснинг ҳамма-сини Хитой ёшларининг раҳбарлари ҳозиргача тушуниб олишни истамаётирлар.

Съездимиз минбаридан туриб биз яна бир марта айтамизки, ВЛКСМ халқаро ёшлар ҳаракати манфаатларини кўзлаб, империализмга қарши кураш манфаатларини кўзлаб, тинчлик, демократия ишининг таянчаси учун, яхши келажак учун социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари ёшларининг бирлигини ва жипслигини мустаҳкамлаш йўлида ўзига боғлиқ бўлган ҳамма ишларни қиладди.

Съездимиз минбаридан, деди С. П. Павлов, биз чет эллик йигит ва қизларга қизғин салом йўллаймиз. Бу йигит ва қизлар реакцион кучларнинг таъқиб ва қувғин қилишига қарамай, демократия ва тараққиёт учун кураш олиб бормоқдалар. ВЛКСМ Марказий Комитети ёшлар ташкилотлари билан алоқаларни ривожлантиришга ҳаракат қилиб келди ва бундан буён ҳам ҳаракат қилаверади, идеологик тафовутлар бўлишига қарамай, тинчлик ва социал тараққиётни ҳимоя қилиш ишида ҳамкорлик қилишга ҳаракат қилаверади.

Капиталистик мамлакатлардаги коммунистик ёшлар союзлари шу мамлакатлар меҳнаткаш ёшларининг авангардида бормоқдалар. Бу союзлар жаҳондаги 70 дан кўпроқ мамлакатнинг ўн миллионлаб йигит ва қизларини бирлаштиргандир. Бу союзлар ёшларнинг туб манфаатлари учун курашда илғор отряд сифатида иш кўриб, ўз фаолиятларини марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми принциплари асосида олиб бормоқда. Худди ана шунинг ўзи уларнинг яшовчанлигини ва ёш авлоднинг ғоят кенг табақалари ўртасидаги обрўйи ўсиб бораётганлигини белгилаб бермоқда. Биз чуқур ишонамизки, капиталистик мамлакатлардаги ёш ватанпарварларнинг продасини ўз куришини ғалабага эришгунча олиб боришга қатъий қарор берганликларини ҳеч қандай қийинчилик ва машаққатлар, туҳмат ва репрессиялар, турма ва қийноқлар синдира олмайди.

Қўшма Штатлар Вьетнам халқига қарши олиб бораётган разил урушни бутун совет ёшлари қаҳрғазаб билан қораламоқда, Вьетнам халқига адолатли ва қаҳрамонона курашда амалий ёрдам кўрсатиш юзасидан партиямиз ва ҳукуматимиз кўраётган тадбирларни биз қатъий қўллаб-қувватлаймиз. Вьетнам халқи ва ёшлари олиб бораётган қаҳрамонона курашни актив қўллаб-қувватлашни Ленин комсомоли ўзининг интернационал бурчи деб ҳисоблаб келди ва ҳисоблайди. Биз қаҳрамон Вьетнамнинг съездимизда ҳозир бўлган вакилларини миллион-миллион совет йигит ва қизлари номидан самимий табриклаймиз ва: «Вьетнамлик азиз биродарларимиз, биз ҳамиша сиз билан бирга бўлдик ва бирга бўламиз!», деймиз.

Жаҳон демократик ёшлар федерацияси билан халқаро студентлар союзи ёш авлоднинг бирлиги учун, унинг ҳуқуқ ва идеаллари учун, империализмга, мустамлакачиликка ва янги мустамлакачиликка қарши, тинчлик, озодлик ва яхши келажак учун курашда қудратли қучдир. Бу ташкилотлар барча мамлакатлардаги прогрессив ёшлар ва студентларнинг ҳамма тан олган марказаридир. Совет ёшлари, Ленин комсомоли Жаҳон демократик ёшлар федерациясини ва Халқаро студентлар союзини мустаҳкамлашга, уларнинг сафларини кенгайтиришга, халқаро ёшлар ва студентлар ҳаракатида уларнинг обрўйи ва таъсирини оширишга бундан буён ҳам бутун чоралар билан ёрдам беришга ўзининг бутун куч-ғайратини сарф қилади.

Комсомол ўз съездини, деди сўнгра докладчи, ўн бешинчи марта ўтказаётир. Коммунистик ёшлар Союзимиз бунёдга келтирилган ўша тарихий кундан буён унинг вакиллари қилинган ишларнинг якунларини биргаликда чиқариш, белгиланган мақсад йўлида янги марраларни келишиб олиш учун ўн бешинчи марта ғўпланмоқда.

Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи бунёд қилинган дастлабки кундан бошлаб ўз қадамини партия босаётган қадамга солиштириб кўрмоқда. Комсомол партияни ўзининг энг ғамхўр ва доно мураббиси деб билади. Комсомолнинг тутган йўли тўғри эканлигини тасдиқловчи, уни янги чўққиларга, янги жасорат ва зафарларга илҳомлантирувчи ва чорловчи партиянинг оталарча айтган сўзларидан ҳам олий мукофот комсомол учун йўқ.

Биз партия кўрсатмаларига, партия XXIII съездининг қарорларига амал қилиб, ҳар минглаб комсомол ташкилотларининг коллектив гажрибасига таяниб, бугунги кунда ВЛКСМнинг навбатдаги вазифаларини белгилаб оламиз.

Союзимизнинг бутун хилма-хил ва кўп қиррали ишидаги асосий вазифа — совет ёшларини коммунистик идеаллар руҳида тарбиялашдир. Комсомол коммунизм учун онгли, актив ва эътиқодли, партия ва халқнинг ҳар қандай топшириғини шараф билан бажаришга қобилиятли бўлган курашчиларни тарбиялаб етиштиришга даъват этилгандир. Миллион-миллион йигит ва қизлар учун комсомол сафида бўлиш ғоявий чиниқиш, гражданлик камолати, маънавий ва жисмоний камолат мактаби бўлиш лозим.

Ёш авлоди ватанпарварлик руҳида тарбиялашни кучайтириш — бизнинг бурчимиздир. Ёшларга социалистик Ватанга чексиз муҳаббат, Ватанимиз эришган муваффақиятлар билан фахрланиш туйғуларини сингдира бориб, биз ёшларимизни коммунизм учун жангларга, империализм бошлаб юборишi мумкин бўлган энг шиддатли жангларга фаол тайёрлашимиз лозим.

Ёшларни душман идеологиясининг ҳар қандай найрангларига нисбатан, буржуа ахлоқининг турмушга мешчанларча, қолоқ қарашларнинг ҳар қандай энг кичик кўринишларига нисбатан синфий муросасизлик руҳида тарбиялаш — комсомол ташкилотларининг жонажон вазифасидир. Ҳар бир комсомол аъзоси ўз меҳнати, хулқ-атвори, одамларга муносабати билан совет ғоямизнинг барқарор бўлишига актив ёрдам бериши, бизга ёт бўлган ғоялар, кайфиятлар, тенденцияларга қарши қатъий кураш олиб бормоғи лозим.

Комсомол чет мамлакатлардаги прогрессив ёшлар билан дўстликни бундан буён ҳам мустаҳкамлайверади, қардош социалистик ёшлар союзлари билан биргаликда империализм найрангларига қарши кураш олиб бораверади. Пролетар интернационализми туйғусини, эзилмга, эксплуатацияга ва зўравонликка қарши курашаётган барча кишилар билан бирдам бўлиш туйғусини тарбиялаш, — ВЛКСМнинг бутун фаолиятидаги асосий йўллардан биридир.

С. П. Павлов ўз докладининг охирида бундай деди: партия комсомолни ўзининг ишончли ёрдамчиси, ўзининг жанговар резерви деб ҳисоблаётганини бир неча марта таъкидлаб ўтди. Партия совет ёшларининг кучларига, имкониятларига ва яратувчилик ғайратига ишонаётганлигини ҳамиша таъкидламоқда. КПСС XXIII съездида ҳам бу ҳақда оталарча зўр меҳр билан айтилган эди. Бугун Коммунистик партия Марказий Комитетининг табрикномасида, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев нутқида ҳам ана шу фикр-ифода этилди.

Биз съезд минбаридан туриб, жонажон Коммунистик партияга унинг ленинчи Марказий Комитетига бундай деймиз: ўз традицияларига содиқ бўлган йигирма уч миллионли комсомол Советлар мамлакатининг ёшлари ҳамма вақт, ҳар қандай синовда ўз оталарининг афсонавий, ўлмас шуҳратларига муносиб бўлмоқ учун бутун куч ва ғайратларини сарф лайди!

МАРҲАБО, ҚАРДОШЛАР!

Украинанинг дастлабки қурилиш поездлари

Қўлларида гул бўлган неча минглаб шаҳарликлар 17 май эрта тонгда Қизил тўқимачи станциясига йўл олдилар.

Эшелон кўринди. Бир неча дақиқадан кейин қизил алвонга «Харьков—Тошкентга» деб ёзилган сўзларни ўқиш мумкин бўлди. Вагон кетидан вагон, платформа кетидан платформа етиб келди. Тошкентликлар ҳам етиб келган кучли техника-экскаваторлар, бульдозерлар, автомашиналарни қарсаклар билан кутиб олдилар. Сўнгра эса, украиналик йигит ва қизлар тушган вагонларга шошилиб кирдилар.

Бўлиб ўтган қисқа митингда сўзлаган нотиқлар — Тошкент шаҳар ижроия

ҚОҲИРА УНИВЕРСИТЕТИДА

ҚОҲИРА, 16 май. (ТАСС). СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин бошлиқ Совет ҳукумат делегацияси бугун мамлакатнинг энг йирик илмий ва маданий маркази бўлган Қоҳира университетини бориб кўрди.

Университет студентлари А. Н. Косигинни, Ж. А. Носирни ва совет делегацияси аъзоларини шоду ҳуррамлик билан қизғин кутиб олишди.

Учрашув йиғилишини Араб социалистик иттифоқининг Бош секретари Али Сабрий очади.

Шундан сўнг Бирлашган Араб Республикасининг Президенти Жамол Абдил Носир нутқ сўзлади.

Ж. А. Носир СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигинга мурожаат қилиб бундай деди: Сизнинг визитингиз ниҳоясига етиб бораётганлигини назарда тутганда, бугун Қоҳира университетига буюрган ташрифингиз ва эртага Миллат мажлисида сўзлайдиган нутқингиз алоҳида мазмун касб этмоқда.

Мисрдаги университетларимизнинг илмий раҳбарлиги туфайли, деб сўзини давом эттирди БАР Президенти, ҳамма соҳаларда қилаётган меҳнатимиз катта натижалар келтирди.

Мисрнинг халқ оммаси янги ҳаёт барпо этишда ғоят зўр завқшавқ билан меҳнат қилмоқда.

1952 йил 23 июль революциясининг дастлабки кунларидаёқ Миср ҳукумати илм-фанни ривожлантириш ва демократия негизларида сиёсий жиҳатдан уюшқоқ бўлиш тўғрисида муттасил ғамхўрлик қилиб келди. Фақат илм-фангина олга босишни таъминлаб беради деб уқтирди Президент.

23 июль революцияси, деди сўнгра Носир, илм-фан қолоқликни тугатишга қодир эканлигини кўрсатди. Миср халқи ўз хоҳиш-иродасига хилоф равишда ана шундай қолоқликка тушиб қолган эди.

Агар Миср фани Сувайш каналини идора қилишни ва уни тўхтовсиз ишлатишни таъминлаб, канални жаҳон миқёсида кемалар қатнови учун очиб қўйишга қодир бўлмаганида, қачаларнинг национализация қилиниши ҳеч қачон шунчалик муваффақиятли ўтмаган ва халқнинг хоҳиш-иродасини шу даражада ифода этмаган бўлур эди.

Илм-фан меҳнаткашларнинг талабларини қондиришга ҳамда халқнинг давлат ҳокимияти устидан контролини таъминлаб, меҳнаткашларнинг сиёсий ғалабаларини айни бир маҳалда сақлаб қолишга қодир бўлиб чиқди.

Ж. А. Носир нутқидан кейин Совет ҳукуматининг бошлиғи А. Н. Косигинга сўз берилади.

Қоҳира университетининг студентларини табриклаш билан, деди А. Н. Косигин, Бирлашган Араб Республикасидаги революцион традициялар ва прогрессив ташаббусларнинг муносиб вориси оулган шонли мамлакатингизнинг барча ёшларини табриклайман.

Сизлар энг қадимий ва ажойиб цивилизациялардан бирининг ворисларидирсизлар.

Айни замонда сизлар қаҳби орзу-умидлар ва режаларга тўлиқ бўлган мамлакатнинг, социализм барпо этиш учун курашмоқчи эканлигини баён қилган мамлакатнинг гражданларидирсизлар. Совет кишилари Бирлашган Араб Республикаси халқига зўр хайрихоҳлик билан қарамоқдалар ва унинг янги ҳаёт қурилишидаги кўп соҳаларда эришган каттакатта ютуқларига сидқидилдан қувонмоқдалар.

Қурилиш ишлари билан банд бўлган ёш республикада йигит ва қизларнинг роли ғоят каттадир. Сизлар келажак кишиларисиз ва ажойиб мамлакатингизнинг истиқболи ҳам сизларнинг ўзингизсиз. Сизлар ўз халқингизнинг бахт-саодати учун курашни давом эттиришингиз лозим, бу эса буюк ва фахрли вазифа. Социализм, деди сўнгра А. Н. Косигин халқларга иқтисодий ва маданий қолоқликни тез бартараф этиш ҳамда илғор социалистик миллат бўлиб олиш имкониятини беради.

Биз фан ва маорифсиз соҳасида кўп ютуқларга эришдик. Бинобарин ўз интеллигенциясини тайёрлашда ривожланаётган мамлакатларга ёрдамлашишни ўзимизнинг интернационал бурчимиз деб ҳисоблаймиз. Совет Иттифоқи кўп мамлакатлардан келган ёшларга бизнинг ўқув юртларимизда таълим олиш, мустаҳкам билимларга эга бўлиш имкониятини яратиб бермоқда.

Ҳозирги кунда, деб сўзини давом эттирди А. Н. Косигин, Вьетнам-империализмга қарши ҳаракатнинг кураш айниқса кескинлашиб кетган жуда муҳим райони бўлиб қолди. Гарчи Сайгон билан Ханой Қоҳира билан Москвадан олисда бўлса ҳам, Вьетнамдаги воқеалар менинг ватандошларимни ва бутун дунё халқларини қандай ташвишлантираётган бўлса, сизларни ва сизларнинг ватандошларингизни ҳам ана шундай ташвишлантирмоқда.

Америка қўшинлари билан уларга ёлланган жаллодларнинг Вьетнамда қилаётган номаъқулчиликлари бизга гитлерчиларнинг босиб олинган ўлкаларда қилган ҳаракатларини ёки ўзлари босиб олган мамлакатдаги аҳолининг қаршилигини синдиришга уринган мустамлакачиларнинг ҳаракатларини эслатиб турибди.

Гитлерчиларнинг террори ҳам, мустамлакачиларнинг қонли репрессияси ҳам улар мўлжаллаган натижаларга олиб келмаганлигини сиз билан биз яхши биламиз. Халқлар босқинчиларга бўйин эгмадилар ва уларни келган жойига қайтиб кетишга мажбур қилдилар.

Вьетнамда ҳам худди шундай бўлади, деб қомил-ишонч билан айтиш мумкин. Вьетнам халқининг қаҳрамонона куч-ғайратлари муваффақият билан якунланади ва Вьетнам халқи ўз курашини ғалаба билан тугаллагунча давом эттиради. Бу адолатли курашда унга Совет Иттифоқи мадад бермоқда, унинг барча дўстлари мадад беришмоқда, бутун дунёдаги прогрессив фикр юритувчи кишилар мадад беришмоқда. Вьетнам халқи аввало ўз ватанининг озодлиги ва мустақиллигини қаттиқ туриб сақлаб қолишдан манфаатдордир. Шу сабабдан у масалани Женева битимлари асосида тинч бартараф этиш тўғрисидаги таклифларни илгари сурди.

Совет Иттифоқи бу позицияни қатъиян қўллаб-қувватламоқда.

Американинг Вьетнамдаги агрессияси — АҚШ дунёнинг турли қитъаларида — Европада, Африкада, Латин Америкасида ва Осиёнинг бошқа мамлакатларида, масалан, Кореяга ўхшаш мамлакатларда ўтказиб келаётган ялғи империалистик снёсатнинг бир қисмидир.

Биз бундай снёсатни қатъиян қоралаймиз ва ўзгаларнинг территорияларидаги ҳарбий базаларни тугатишни ва чет давлатларнинг қўшинларини олиб чиқиб кетишни талаб қиламиз.

КПССнинг яқинда бўлиб ўтган XXIII съезди, деди А. Н. Косигин, империализмга қарши курашни ва миллий озодлик ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш, ривожланиб келаётган ёш давлатлар билан ҳар тарафлама ҳамкорлик қилиш — Совет давлати ташқи снёсатининг мақсадларидан бири эканлигини яна бир бор таъкидлади. Совет Иттифоқи, деб сўзини давом эттирди А. Н. Косигин, социал тараққиёт йўлига тушиб олган халқлар билан ўз муносабатларини тўла тенг ҳуқуқлилик, дўстлик ва ўзаро мададкорлик асосларида ўрнатиб келди ва ўрнатаверади

СССР билан БАР ўртасидаги муносабатлар худди мана шундай муносабатларнинг яхши намунасидир. Бу муносабатлар Яқин ва Ўрта Шарқда ҳам, шунингдек бундан кенгроқ миқёсда ҳам империализм ва реакцияга қарши курашнинг таъсирчан қуроли бўлмоқда, Авантюраларга майли зўр бўлган баъзи бир кимсаларнинг агрессорлик ҳовуридан тушириб қўймоқда ва бинобарин, мана шу районда стабиллик ва хавфсизликнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

ТОШКЕНТДАГИ ОФАТ ВА ЖАСОРАТ

Махсус мухбиримиз В. ПЕСКОВнинг зилзила рўй берган райондан репортажи

◆ ◆ ◆ ◆

МЕН ТОШКЕНТГА 8 май якшанбага ўтар кечаси учиб келдим. Ерга қўнаётганимизда йўловчилар ойналарга ёприлишиб қарашгач, ҳайрият, деб нафас олишди — пастда одатдагидек чироқлар дарёси мавжланарди. Аэродромдан меҳмонхонага боварканман йўлда юз берган офат изларини бирданига пайқолмадим. Шаҳар уйқуда. Ямяшил дарахтларнинг, гулларнинг, янги ёпилган нон, бензиннинг ҳиди шаҳарда сезилиб турибди ва ҳали бу ерликлар кўникмаган чанг-тупроқнинг ҳиди ҳам сезилиб турибди.

Кўчалардан бирида автомобиль чироқлари брезент чодирнинг ёнини ёритиб қолди. Ўтгани йўл йўқ. Асфальтда икки қатор чодир тикилган. Ухлаётган кишиларнинг хурраги ва бедор кишиларнинг оҳиста гаплашаётганликлари ташвиш йўқлигидан дарак берарди. Бамисоли сафқатчилар шаҳарнинг ўртасига келишганида тун пардасини ёйган-у, улар узоқ ўйлаб ўтирмай мана шу қатналадиган кўчани лагерь қилиб олишганга ўхшарди. Чодирлардан бирида кўрсида чироқ йилтирай турибди. Серсоқол ўзбек афтидан, невараси билан бўлса керак чироқ ёруғида китоб ўқирди. Китобингизни кўрай деб сўрадим. Қария қора чарм муқовали қўръонни менга дўстона узатди. Студент йигит дарсликни мутолаа қиларди.

Патруль — енгларига қизил боғлаган бир қиз ва уч йигит яқин келиб сўрашди:

— Сиз ким бўласиз, ўртоқ?..

Уйингизни кўрсатиг деб илтимос қилдим. Қария чироқни кўтариб лойсувоқ девор томон бошлаб кетди. Дарзлари тарам-тарам бўлиб кетган девор қўл тегиши билан қимирларди.

— Оллоҳнинг ўзи берган эди — ўзи олди, — деди қария.

Чироқ шуъласи бир томонидаги девори қулаб кетган хонага тушди. Шипдаги ёрилиб кетган дарздан юлдузлар кўринарди.

— Мен мана шу ерда ухлаб ётгандим, — деди студент йигит, — омон қолганимга ўзим ҳам ҳайронман. Печь каравотнинг ёнгинасига қулаб тушди...

Чодир тикилмаган кўчалар камдан-кам учрарди.

Етишдан олдин мен одатдагидек ён дафтаримга эртага қиладиган ишларимни ёзиб, қуйидаги сўзларнинг остига чизиб қўйдим: «Зилзила қандай бўлганини имкони борича кўпроқ кишилардан билмоқ керак».

Менинг вазифамни табиатнинг ўзи осонлаштирди. Энди мен зилзила қандай бўлишини ўзим ҳам айта оламан... Кимдир мени эҳтиётсизлик билан туртиб юборгандек туйғуга уйғониб кетдим. Чироқни ёқиб, ҳайрон бўлганимча китобни варақлай бошладим. Соатнинг мили ундан ошганлигини кўрсатарди... Бундан кейинги воқеани ҳеч қачон унутмасам керак. Уй тебраниб қимирлаб кетди. Шкафда фотоаппарат билан турган сумка бир чеккага сурилиб кетди. Мен дераза токчасига сакраб чиқиб шиппа қарадим. Уй сакраб турган бўлса ҳам негадир шип тушиб кетмасди. Қандайдир шовқин-сурон олисдан келгандек, юқорида эса ғалати, киши одатланмаган сувоқларнинг кўчиш садоси. Бамисоли бир қутида ўтирибсан-у, икки ёнингда ва пастда кимдир қаттиқ зарб билан тепиб юборганга ўхшарди. Беш ёки олти секунд титраб турди. Кираверишдаги эшикда ойнак сингани эшитилди. Кейин сокинлик.

— Лина, қочиб қол!

Мен эшитган биринчи овоз шу бўлди. Тунги посбон меҳмонхонанинг олдида туриб, маъмурий ҳодим Линани чақирарди. Шундан кейин мен ит ҳуриганини эшитдим. Мингтами, ўн мингтами ит бирданига ув тортди. Ҳар тарафдан кишининг юрагига ваҳм соладиган ит улиши. Шундан кейин одамларнинг ғала-говури. Бир миллион одам бирданига ётган ўрнидан туриб кўчага чиқди. Командировкага келган эрлар ва аёллар ички кўйлакларнинг устидан елкаларига плашч, пиджакларини ташлаб, пойафзалларини оёқларига қуруқ илиб, тунги аёздан жунжикиб турадилар, улар уйга киргани юраклари бетламай депсиниб турардилар.

Эрталаб тунда олти балл зилзила бўлганлиги, бу 26 апрелдаги зилзиладан кейин иккинчи кучли эр қимирлаш эканлиги аниқланди. Бу тунда ҳеч қандай қурбон бўлмади, лекин, шаҳар шикастланди. Бошпанасиз қолган кишилар ёнига яна ўн икки минг киши қўшилди. «Тез ёрдам» пунктига юздан кўпроқ ярадор, шикаст кўрган кишилар олиб келинди.

8 ва 9 май кунлари мен шаҳарни пиёда айланиб чиқдим. Умумий таассурот шуки, шаҳар аввалги меъёрини йўқотмаган, шаҳар қаттиқ шикастланган, асосан бир қаватли лойсувоқ қилинган Тошкент шикастланган; янги, кўп қаватли Тошкент мутлақо шикаст кўрмаган.

Опера театри ёнидаги марказдан туриб қарасанг, ҳеч нарса рўй бермаганга ўхшайди. Фонтан офтобда жилоланиб турибди, автобуслар ва трамвайлар қатнаяпти. Кичкинагина от — пони қўшилган аравага тушган болалар ўйнаяпти. Кўчада одамлар шунчаки, байрам кунларида қанча бўлса, худди шунча. Универмагнинг бетондан қилинган биносининг ойналари ярқираб турибди. Олти қаватли «Тошкент» меҳмонхонасининг ёнида барлари узун кийим кийган африкаликлар туриб суҳбат қилишмоқда. Улар саводсизликни тугатиш юзасидан чақирилган симпозиумга учиб келишган. Бироқ, шуни ҳам биласанки, бу меҳмонхона шаҳардаги меҳмонхоналар ўртасида омон қолган ягона меҳмонхона. Бу меҳмонхонанинг ҳам юқоридаги икки қаватининг баъзи бир жойлари дарз кетганидан ана шу қаватдаги кишиларни кўчиришга тўғри келди. Аммо, умуман, олганда, улкан уй зилзилага бардош берди. Кейинги олтисаккиз йил мобайнида қурилган биноларнинг ҳаммаси бардош берди. Заводларнинг трубалари ҳам турибди. Ҳозирги замон уй-жойларининг кварталлари ҳам шикастланмай турибди. Баландлиги бир юз тўқсон беш метрли телевизион вишкаси шикаст кўрмай турибди. Шуниси кулгилики, бир қаватли радиостудия уйи вайрон бўлган. Дикторлар автобусдан эшиттириш олиб бормоқдалар.

Асосан бир қаватли лойсувоқ қилинган Тошкент шикаст кўрди. Тошкентнинг тўртдан уч қисми ана шундай уйлардан иборат эканлигини ҳисобга олганда кўрилган зарарнинг ҳисобига ҳам дарров етиб бўлмайди. Марказдаги омонат турган уйлардан барча муассасалар бошқа жойларга кўчирилди. Шаҳар милицияси чодирларга жойлаштирилди. Чодирларнинг тепасига: «Милиция бошлиғи», «хозчасть», «терговчи» деб ёзиб қўйилган. Чодирларда машинкалар чиқиллаяпти, телефонлар жиринглаяпти. «Тез ёрдам» пункти ҳам чодирларда. Қулаб кетган жойда шикаст кўрган кишига врач қиз ўша ердаёқ дарахт остида ёрдам кўрсатади.

— Қани, азизим, пича чидаб тур, чидаб тур...

Эркак киши тишини тишига қўйиб яраланган елкасини ўгириб турибди. Мен билай бирга бу манзарани кўриб турган кекса бир ўзбек киши хўрсиниб дейди:

— Худди фронтдагидақа...

Уй-жой кварталлари ҳаммадан кўп шикастланди. Агар истасангиз, бу ерда омон қолган уйни тополмайсиз. Тор кўчалардан автомобиллар юргизилмай қўйилди. Дарз кетган деворлар, лойсувоқ деворлар ва шиплар қадам боссанг ҳам қимирлайди. Уйлар бир-бирига худди қалдирғоч уясидек қалаштириб кетилган. Агар ер қимирлаганида ақалли ярим балл ортиқ бўлганида ҳам мана бу уйлар ўн секунд ичида қунфаякун бўлиб кетиб, қурбон бўлган кишиларнинг ҳисобига етиб бўлмасди. Бахтимизга бу уйлар қуламаган, лекин улардан ҳар бирига: «яқинлашманг...» қулаб кетадиган уй» деб ёзиб қўйилган. Ҳом ғиштларнинг уюми, қулаб тушган трубалар, печлар, йиқилиб тушган деворлар... Айрим жойларда «яқинлашманг...» деб ёзиб қўйилган уйлар бутун бир кварталда бор. Давом этаётган тебранишлар вайрона ёнига вайрона қўшяпти. Қашқар районидаги бульдозер билан бир ерга тўплаб, ташқарига чиқариб ташлашга ярайди, холос. Мен бу ерга деворлари нураб кетган кўчалардан зўрга йўл топдим.

Статистика шундай деяпти: йигирма саккиз мингдан кўпроқ уй шикастланди. Булардан — шикастланган уйлардан икки юздан кўпроғи болалар муассасалари, икки юздан кўпроғи — касалхоналар, медицина пунктлари ва поликлиникалар. Бир юз саксон ўқув юрти биносиз қолди. Лекин, булар алам қилмайди. Лекин юрагинг кичкина хоналар олдида ачишади. Мана, бир она деворларга тегиб кетишга қўрқиб, вайронадан идиш тўла яшчикни ташиб чиқмоқда. Унинг ёнида қадам қўйган ўғилчасига қараб ҳалиги аёл қичқиради:

— Яқин келма, яқин келма!..

— Ахир, сиз ҳам бирор нарса деб қўйинг... — бу гап менга — нотаниш кишига қарата айтилган.

Бошпанасиз қолган кишига нима ҳам деб бўларди? Агар у ёлғиз бўлганида уни овутиш осонроқ эди. Ҳозир бу кўпга келган фалокат. Ҳаммани овутирадиган нарса ҳам битта: «Ҳамма омонми? Уйга ачинмаёқ қўяқол. Орадан икки-уч йил ўтар-кетар — янги Тошкент бўлади. Ҳар томондан ёрдам келяпти...»

— Ахир, бу тебранишлар наҳотки тинчимаса? Ухлолмаяпман, болам ҳам ухлолмаяпти... — аёл боланинг қўлидан етаклаб чодирга киради. У ерда бўлса, идиш сингани эшитилади...

Чодирлар, чодирлар. Парклларда бутун-бутун чодирдан қурилган шаҳарчалар. Кўчаларда чодирлардан янга кўчалар. Ўн мингдан зиёдроқ чодир «уйлар». Магазин ҳам чодирда. Ошхона ҳам шу ерда — очиқ ерда катта қозонда шўрва қайнаяпти, палов дамланяпти. Кичкина бола болалар велосипедини миниб олган. Студент қиз санитар сумкаси билан курсида ўтириб, вақт топганида лекция ёзилган дафтарини ўқийди. Чодирлардан бирининг ёнида самовар қайнаб турибди. Синиқ тахта устида дамино овози эшитилади. Бир қанча телеграммани қўлига ушлаб олган ўқувчи қиз «17-уй» кераклигини айтиб, излайди. Студентлар машиналарга рўзғорга зарур бўлган буюмларни ортишга кўмаклашмоқдалар.

Кўрилган зарар ва ташвишлар улкан. Кишилар бу офатга осойишталик билан қараб турганликлари кишини ҳайрон қолдиради. Мен қишлоқда бўлган ёнгинни кўрганман. Устига похол ёпилган битта кулба ёнганида йиғи-сиғи, шовқин-сурон, ваҳима кўтарилган. Бу ерда бўлса юз мингдан ортиқроқ киши бир маҳалда бошпанасиз қолибди-ю, лекин тартибсизлик ва ваҳиманинг изи ҳам йўқ. Ваҳолонки, шаҳар ҳар куни ер ўн марталаб, ҳатто бундан ҳам ортиқроқ қимирлаганини сезиб турибди. Шаҳар ўзига хос одатий меъёрни ҳам йўқотмади. Барча корхоналар ишлаб турибди. Театрларда спектакллар қўйилмоқда. Мўлжалланган футбол учрашувининг ҳаммаси бўлиб ўтди. Биринчи Май намойишида ғоят одам кўп бўлди, Лохутий кўчасидаги чодирлардан бирида мен ёш қуёвкелин билан танишиб қолдим. Муҳаммад Наримонов билан Люба Колисниченко эндигина никоҳдан ўтиб келишган экан.

— Эҳтимол, пича тўхтаб турсангиз бўлармиди?

Шундай савол бердим-у, ўзим ҳам тилимни тишлаб қолдим. Чунки, қайтарилган жавоб оддий ва доно эди:

— Тўхтаб туриш керакмиди? Нега тўхтаб туриш керак? Ахир, биз илгари мўлжаллаб қўйган эдик. Агар биз ҳозир тинчиб кетсак — бошқа вақтда тағин ҳам яхшироқ яшаймиз.

Мен Бахт Саройида бўлганимда шундай маълумот беришди: шу кейнини ўн кунга тайинлаб қўйилган тўйларнинг ҳаммаси бўлиб ўтибди.

Фалокат кишиларни ажратиб юборгани йўқ. Бахтсизлик кишиларни бирлаштирди.

ФАЛОКАТ содир бўлган вақт шаҳардаги барча соатларда чизиб қўйилган. Тошкентдаги соатларнинг барчаси ҳозир бир вақтни: 5.23 минутни кўрсатади. Худди ана шу дақиқада биринчи зилзила рўй берди. Барча соатлар бир маҳалда тўхтаб қолди. Тошкентликлар ана шу соатлардан ҳеч бўлмаса бирортасини қаҳрамонлик тўғрисидаги ёдгорлик сифатида, шаҳар фалокатчи қандай кутиб олганлигининг ёдгорлиги сифатида музейда асраб қолишлари керак. «Бу қандай рўй берди?» Мен бу саволни кўп кишиларга бериб кўрдим. Мана, қайтарилган, мен ён дафтаримга ёзиб олган жавоблар.

ШАРОФ РАШИДОВ (Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари): Ер қимирлаганида мен турган эдим. Шаҳар чеккасида шафақ кўринганга ўхшади. Ҳозирча бу аниқлангани йўқ — кўринган нарса юқори вольтли электр симларининг бир-бирига тегиб кетиши натижасида ҳосил бўлган нарсами, ёки бундай ёруғлик, ердаги ҳодиса билан боғлиқми. Марказий Комитет уйига телефон қилдим. Бу ердан электрик жавоб қайтарди: «Бино бутун. Лекин, олтинчи қаватда ўёқдан-бу ёққа роса тебратди, пастга қараб югурдим...» Мен шаҳарга жўнадим. Вайроналарнинг сон-саноғига етиб бўлмасди. Шаҳар бўйлаб санитар машиналари гизиллаб ўтиб турарди, кимдир бошини сочиқ билан боғлаб медицина пунктига югурарди. Қандайдир эркак киши қўлида бола кўтарганча югурарди. Бахтимизга, кейин маълум бўлишича, қурбонлар оз экан. Саккиз киши ҳалок бўлди. Ярадор бўлганлар минг кишидан ортиқроқ. Транспорт йўллари, сув таъминоти, электр линияси сезиларли равишда қаттиқ шикаст кўргани йўқ. Баъзи бир жойларда телефон сими узилган. Тошкентликлар нафтихор билан: ваҳима бўлгани йўқ, деб айта оладилар. Эҳтимол, бир соат-бир ярим соат ичида одамлар ўзини йўқотиб қўйгандир, кейин бўлса, тўла уюшқоқлик бошланди. Тарих шундай воқеаларни биладики, кишилар ваҳимадан, тартибсизликдан, талончиликдан зилзилага нисбатан кўпроқ азсб тортишган. Тошкент бундай нарсадан ҳолидир. Кишиларнинг ҳаммаси эрталаб ишга келишди. Баъзи бир кишилар етти километр жойга пиёда келишди, айримлари болаларини қўлларида кўтариб келишди. Бир кишидан: «уйда аҳвол қалай?» деб сўрасам: «уй вайрон бўлди...» деб жавоб қайтарди. Дастлабки соатлардаёқ офат қанчалик эканлиги маълум эди. Шаҳарни айланиб чиққач, Москвага телефон қилдим. Ўзингиз биласиз, ўша куниёқ Тошкентга Леонид Ильич Брежнев билан Алексей Николаевич Косигин учиб келишди. Улар аэродромданоқ тўғри шаҳарни айланиб кўргани кетишди.

ВАЛЕНТИНА ЗИКОВА («Тез ёрдам» врачи): Ҳа, мен тўғримда газетада ёзишган. Ростини айтсам кўрқоқман, лекин бу ерда қаердан дадиллик пайдо бўлганини билмайман. Ахир, битта менми? Қизларимиз диспетчер хонасида телефон ёнида бошларини фанер тахта билан тўсиб ўтиришди. Бирор киши қочгани йўқ. Ваҳолонки, кўпларининг болалари уйда қолганди...

ЮРИЙ КРУЖИЛИН: (журналист): Токчадан гултувак ерга тушиб кетганидан уйғондим. Шкафдаги идишлар жаранглаб, сурилиб кетарди. Уй тебраниб титраб турардн. Ўғлимни кўтариб хотинимни қўлидан етаклаганимча пастга тушдим. Журналист, албатта, ҳамма ерда ҳам журналист. Атрофга назар солдим. Бир йигит труси кийганича, аккардиони билан югуриб чиқди. Қўшниміз ички кўйлакда, резина пойафзалда турибди. Ҳамма нарса жойига келгач. Ўғлимни қарияларникига олиб бориб дарҳол редакцияга югурдим. Транспорт ишламасди. Шаҳар ишга пиёда келди. Редакцияга одатдагидек биринчи бўлиб фаррошлар келишди. Бу гал улар ташқарига қоғоз ва чангдан ташқари кўчиб кетган шувоқларни ҳам олиб чиқишди.

НАРИМАН НАРИМАНОВ (ишчи-электрик): Мен бўйдоқ йигитман. Трусида кўчага югуриб чиқдим. Тирикманми? Тирикман! Уй ўртасидан ёрилиб кетди. Бир бало қилармиз, деб ўйладим. Янги бўлар. Бош омон бўлса, ҳаммаси топилади. Кейин қарасам, иш ҳазил қиладиган даражада эмас. Кимдир девор орқасида ингранятти. Икки дақиқадаёқ кийниб «Ижак»ни юргуздим, қўшнимиз кампирни «Тез ёрдам»га олиб келдим. Кейин шаҳардан ташқарига ота-оналаримникига жўнадим. Улар омонмикин? Улар ақалли, ҳеч нарса сезишмабди. Ҳатто, уйқудан ҳам уйғонишмаган.

ЮРИЙ ТУРСУНҚУЛОВ (милиционер): Мен эндигина сменадан келиб ётган эдим. Бирдан шундай бўлдики, гўё арава катта тош йўлда кетаётгандай эди. Шовқин-сурон — бомба деб ўйладим. Рўпарадаги уйдан бир киши югуриб чиқди. Мен ундан: «Бомбами?» деб сўрадим. Сўрасам: «Тентак, қанақа бомба? Зилзила!» Девордан нари қоч!» — деди. Лекин ҳамма нарса жим бўлиб қолди. Дарҳол гимнастёркани, этигимни кийдим-да, бўлимга югурдим. Эҳтимол, сизга айтишгандир: Бутун милиция ярим соатда жам бўлди. Шаҳарнинг турли бурчакларидан йигитлар чопқиллаб келишди. Югуриб келишди-ю, ўша заҳоти жойларга тарқалишди. Бундай соатларда ҳар хил иш бўлиши мумкин.

СУЛАЙМОН САТИЕВ (жиноят қидирув бўлимининг бошлиғи): Ростини айтсам, мен энди тоза ишимиз кўпаяди деб ўйладим. Ҳазилми: шаҳарда бир миллиондан ортиқ одам бор. Бировнинг бошига фалокат тушган, биров унинг бахтсизлиги ҳисобига бойишни истайди. Мана фактлар: ана шу кунлар ичида жиноят аввалгига нисбатан беш баравар камайди. Беш баравар! Келинг, бирга таҳлил қилиб кўрайлик: нега камайди? Ҳа, биз талончилик ва ўғрилик учун энг қаттиқ чора кўрамиз деб айтдик. Бу таъсир қилдими? Эҳтимол, таъсир қилгандир. Лекин бу масаланинг бир қисми, нечаки, ҳамма вақт ҳам қаттиқ жазо жиноятнинг олдини олавермайди. Бизга 2 минг комсомол тартиб ўрнатиш учун кўрашда ёрдам берган келди. Бу — улкан куч. Лекин, асосий куч бошқа ёқда. Офат одамларни жипслаштирди. Мен Тошкентни биламан. Ҳақ гап, ана шу ўн кун ичида биз бир-биримизга яқинроқ бўлиб қолдик. Менинг ёнгинамда қўшни ҳавли бор. Одатда, бу ерда тортишувлар, бир-бирига шикоятлар бўлар эди. Бундоқ, қарасам, қўшнини одеялда «Тез ёрдам»га олиб кетишди, шикаст кўрган кишининг болаларини ўз хоналарига олишибди... Шаҳарда миллион одам бор. Офат юз берганда ҳар бир киши ана шулар орасида ўз жойини топиб олди. Ўзи тўғрисидагина, ўзинигина ғамини еганн йўқ, «киши-кишига ўртоқ, дўст ва биродар». 26 апрель куни эрталаб тошкентликлар бирдан кўришдики, бу гаплар ҳаётимизда айтилган бекорчи гаплар эмас экан.

ХОЗИР Тошкентда вақти энг зиқ, энг кам ухлайдиган, иши кўп киши ким десангиз Валентин Уломовдир. Бундан икки ҳафта илгари Валентин Уломов деган одам борлигини ҳеч ким билмасди. У кичкинагина хонада ўзининг ўнтача ходими билан ўтириб, Ернинг тебранишини асбоблар билан ўлчарди. Халқ хўжалигига бу фан на гўшт, на сут берарди. Борди-ю, агар «Сейсмостанция» деган лавҳали уй бирдан йўқолиб қолса, шаҳарда ҳеч ким буни сезмай ҳам қоларди. Уломов бирдан шаҳарда энг таниқли одам бўлиб қолди. Дастлабки соатда утина шаҳарга нима бўлганлигини ва нима қутилаётганлигини айта оларди. Тошкентга учиб келган Косигин ва Брежнев қатнашаётган катта кенгашда Уломов эскириб қолган ва чизиқлари биргина унинг ўзига тушунарли харитани осиб, содир бўлган воқеанинг сабабини яхшилаб тушунтирди. Шу соатдан бошлаб у кеча кундузи фан билан машғул бўлишдан ташқари, телевидениеда сўзга чиқишига, журналистларни қабул қилишга, тўхтовсиз келиб турган телефонлардан берилаётган: «Бугун ер қимирлайдими?», «Ухлагани ётсак бўладими?» деган саволларга жавоб беришга мажбур.

Мен ҳам Уломовнинг бошини ярим соатча қотирдим. Мана, саволларга сейсмологнинг жавоблари: «Тошкентда ҳар йили ҳам ер қимирлаб турарди, лекин кўпинча буни асбобларгина сезарди. Ерда йилига бир миллион мартагача қимирлаш бўлиб туради. Текис жойларда ер қимирламайди, тоғлардагина ер қимирлайди. Москвадачи? Ҳа, 1940 йил ноябрида Москвада тўрт балл ер қимирлаган, лекин бу Карпат тоғлари районидан келган ер қимирлаш эди».

«Тошкентда шундай кучли зилзила бундан юз йил муқаддам бўлган эди. Бу гал шаҳарнинг қоқ марказида ер қимирлади. Етти ярим баллга тўғри келадиган зилзила вертикал юқорига йўналган эди. Бундан ўн саккиз йил муқаддам Ашхободда ер кучлироқ қимирлаган эди. Шундан кейин горизонтал тебранишлар бўлган эди. Фарқи шунда. Ашхобод тўла вайрон бўлди. Тошкент шикастланди-ю, лекин бардош бериб қолди»

«Зилзила келтирган зарарми? Ҳисоблаб чиқишади, албатта. 23 йилда 8 секунд давомида бўлган зилзила Японияга Рус-Япония урушида кўрилган зарардан кўра беш мартаба кўп зарар етказди».

Зилзиланинг прогнозлари тўғрисида гап орасида Уломов деди: «Ер қанчалик кучли қимирлашини айтиш мумкин, қаерда қимирлашини айтиш мумкин. Қачон қимирлашини айтиш бўлмайди».

Мен олимга ён дафтаримга ёзиб олган бир қанча ёзувларни кўрсатиб, ўз фикрини айтишни сўрадим. Мана ўша ёзувлар.

Ашхободдаги зилзиладан икки кун олдин масъул ходим ёнига кекса туркманлар келиб: «зилзила бўлади» дейишибди. — «Қаердан биласиз?» — «Илонлар ва калтакесаклар уяларидан чиқиб кетди...» Орадан икки кун ўтгач, зилзила бўлди.

Мана, бундан уч йил аввалги ёзув: «Поездда купедаги қўшним оилавий фотографияни топди. Суратдаги кишилар орасида овчарка итнинг сурати бор. «Бу ит худди одамга ухшайди... — деди кўшним. — Биз хотиним билан Ашхободда ишлардик. Ўша тунда уйга кеч қайтдик. Тезда ухлайвермадик. Мен қоғозларни титкилардим. Хотиним китоб ўқирди. Қизим коляскада ухларди. Бирдан ит ўрнидан туриб, қизалоқнинг қуйлагидан тишлаб, эшик томонга интилди. Илгари бундай қилмасди. Қутириб қолдими — ақлдан оздими (?) деб ўйладим! Милтиқни қўлга олдим. Хотиним билан югуриб ташқарига чиқдик. Шу онда бирдан ҳамма нарса йиқилди. Бизнинг кўз олдимизда бутун шаҳар вайрон бўлди...».

Яқиндагина ёзиб олинган бир қанча фактлар. «Советская торговля» газетасининг мухбири Олег Бичков бундай деди: «26 куни мен қандайдир ноҳуш ҳиссиётдан уйғондим: кимдир тўшагимни тортарди, қарасам одеял остида мушук болалари. Она мушук ташиб келтирибди. Мен мушукни нари суриб, болаларини улар ҳамиша бўладиган жой ошхонага олиб чиқдим. Энди қўлимни иоваман деб кран олдида турганимда бир нарса мени шундай итардики, бошим келиб деворга тегди...»

Аркадий Забровский (Невский переулкасидаги 12-уйда туради) бундай деб айтди: «Менинг қирққа яқин ҳар хил тоифадаги каптарларим бор. Ер қимирлашидан ярим минут илгари каптарлар бирдан шовқин билан уяларидан учиб чиқиб, қоронғуда томга қўнишди. Илгари тунда ҳеч бунақа бўлмаган эди. Мен нега бундай бўлди экан деб ўйлаб турувдим, бирдан бошланди... Энди ер ҳар қимирлашидан олдин каптарлар ғаласи учади...»

Уломов ҳайрон бўлиб, елкасини қисди: «Мен асбобларгагина ишонаман» лекин факт-фактлигича рози бўлди. Афтидан, жонли табиат миллион-миллион йиллар мобайнида шундай «асбоб» яратганки, бу асбоб ер ости қимирлашини сезадиганга ўхшайди. Эҳтимол, инсон табиатга яхшироқ қараса бўлар.

СЕИСМОЛОГЛАР биринчи ер қимирлашдан кейиноқ яна ер кучсиз кўпгина қимирлаб туради деб олдиндан айтишди. Улар бари асосланган эди. Ҳатто график ҳам чизиб чиқилди. Дарҳақиқат ер қимирлаш давом этди. Икки ҳафта мобайнида шаҳар қуршовда қолган ҳолатда яшаяпти — қарийб уч юз марта ер қимирлади. Баъзан ер қимирлагани унча сезилмайди, баъзи бирлари уйқуни қочириб, — янги-янги вайроналарни кўпайтирмоқда. 10 майга ўтар кечаси тунда шаҳар биринчи зилзиладан сал кучсизроқ ер силкинишдан уйғонди. Бу тунда кўп кишиларнинг уйга киргани юраги бетламади. Кўчаларда гулханлар ёқилди. Кишилар боғдаги скамейкаларда ухлашди, ёки гулханлар ёнида бир-бирларининг пижиларига кириб ўтиришди. Эрталаб бузилган уйларнинг ҳисоби кўпайди. Юраги ва асаби касалланган кишилар касалхоналарга келтирилди.

Бу офатнинг устига 5-май куни дарахтларни синдирган, омонат турган девор ва томларни қулатиб кетган, чодирларни юлган довулни қўшсангиз Тошкент огир синовларга бардош берганини тушунасиз. Ҳозир бари ўрнига келмоқда. Зилзила зайфлашмоқда. Ҳаёт давом эт